



UZBEKISTON

IJTIMOIIY-IQTISODIY GAZETA

BUNYODKORI

№38-39 (791-792) 2024 йил 9 май

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

uzbunyodkor t.me/uzbunyodkor uzbunyodkor info@uzbunyodkor.uz uzbunyodkor.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Азиз ватандошлар, муҳтарам фахрийлар!

Бугунги шонли байрам – 9 май – Хотира ва қадрлаш куни ҳамда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган буюқ ғалабанинг 79 йиллиги муносабати билан мўътабар фахрийларимизни, кўп миллатли бутун халқимизни самимий муборакбод этиб, барчангизга ўзининг чуқур ҳурматини ва эзгу тилакларини билдираман.

Ушбу кутлуг кунда инсоният тарихидаги энг дахшатли урушда жасорат кўрсатиб, башариятни фашизм балосидан сақлаб қолган қаҳрамон ота-боболаримиз ҳамда фронт ортида мардона меҳнат қилган, ғалабани таъминлашга муносиб ҳисса қўшган мард ва олижаноб юртодошларимиз хотирасига юксак ҳурмат-эҳтиром баҳо келтирамиз.

Жанг майдонларидан омон қайтиб, мамлакатимиз равнақи йўлида фидокорона меҳнат қилган, бугунги кунда эзгу дуолари билан ҳаётимизнинг файзу фаршасига бўлиб келаятган қадрли уруш ва меҳнат фахрийларига чексиз ташаккуримизни изхор этамиз.

Айни вақтда мустақиллик йилларида Ватанимиз озодлиги, халқимизнинг тинчлиги ва осойишталигини ҳимоя қилиш ҳамда ўз хизмат бурчини адо этиш йўлида халқ бўлган жасур ҳарбийларимиз хотирасини миннатдорлик билан эсга оламиз.

Қадрли дўстлар! Бугун барча шаҳар ва қишлоқларимизда ўтказилаётган тадбирларда бу муҳим уруш эл-юртимиз учун қандай ниселсиз талафот ва мусибатлар олиб келганини яна бир бор ёдга олишимиз табиийдир. Уша оғир йилларда фронтга сафарбар этилган **1 миллион 950 мингдан** зиёд ўзбекистонлик жангчилардан **538 мингдан** кўпроги халқ бўлгани, **158 мингдан** ортиги бедарак йўқолгани, **870 мингдан** ошгани турли жароҳатлар олгани, **60 минг** нафардан зиёди эса ногирон бўлиб қайтгани бу ғалаба биз учун нақадар қимматга тушганини яққол кўрсатиб турибди. Ана шу қирғинбарот уруш халқимиз қалбида қолдирган битмас жароҳатни, орадан шунча вақт ўтган бўлса-да, ҳамон унутиб бўлмайди.

Уруш даврида **214 минг** аскар ва офицерларимиз жанговар ордон ва медаллар билан тақдирлангани, уларнинг **301 нафари** Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига, **70 нафари** учала даражадаги "Слава" ("Шухрат") орденига сазовор бўлгани биз учун, ҳеч шубҳасиз, буюқ ғалабанинг энг эркин саҳифаларини ташкил этади.

Метин иродали халқимиз ўша тахликали йилларда фронт ортида сабот ва матонат билан меҳнат қилди. Саноат корхоналарининг фаолияти фронт эҳтиёжлари учун йўналтирилди. Уруш алангаси ичида қолган худудлардан мамлакатимизга **170 дан** ортиқ завод ва фабрика кўчириб келтирилди ва қисқа муддатда уларнинг фаолияти қайта тикланди. Эл-юртимиз фронт учун жуда катта миқдорда ҳарбий техника, қурол-яроғ, дори-дармон, кийим-кечак, озиқ-овқат ва бошқа зарур маҳсулотлар етказиб берди.

Ўзбекистон аҳолиси 1941-1943 йилларда мудофаа фондига **475 миллион** рубдан ортиқ маблағни, **22 миллион** рублик қимматбаҳо шахсий буюмларини ихтиёрий равишда топширгани ғалабани яқинлаштиришга яна бир муҳим ҳисса бўлиб қўшилди.

Халқимиз юксак одамлилик фазилатини намоян этиб, уруш худудларидан эвакуация қилинган **1 миллион 500 мингга** яқин инсонга бошлана берди. Ота-онасидан жудо бўлган **250 минг** нафар етим бола-

ларга меҳр-оқибат кўрсатиб, сўнги бурда нонини ҳам улар билан баҳам кўрди.

Азиз ватандошлар! Азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрида халқимиз жасоратининг тимсоли сифатида бунёд қилинган муҳташам "Ғалаба боғи" ёдгорлик мажмуаси қисқа вақт ичида қўлғу қадамга айланди.

Шу кунгача бу ерга **2 миллион 200 минг** нафардан зиёд зиёратчи ташриф буюриб, уни катта қизиқиш ва эътибор билан томоша қилгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Мажмуа жамоаси томонидан **элликка** яқин китоб-альбом ва монографиялар, ноб ҳужжатлар тўпламлари яратилиб, хозирга қадар номаълум бўлган юзлаб тарихий фактлар аниқланиб, жамоатчиликка етказилди.

"Бобони излайман" лойиҳаси доирасида урушда иштирок этган **2 миллион нафарга** яқин ватандошларимиз рўйхати шакллантирилди. Юртодошларимиздан келиб тушган **300 дан** зиёд мурожаатлар бўйича урушда бедарак кетган **200 нафар** жангчининг тақдирига оид муҳим маълумотлар тўпланди.

Муҳтарам дўстлар!

Бугунги байрам муносабати билан жонажон Ўзбекистонимизда хотира маросимлари, турли маданий-маърифий тадбирлар, "уч авлод учрашувлари" ўтказилмоқда. Тегишли вазирилик, идора ва ташкилотлар, ҳарбий қисмлар раҳбарлари иштирокида уруш ва меҳнат фахрийлари, мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида халқ бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг оила аъзоларига табрик ва совғалар топширишга бағишланган маросимлар тантанали вазиятда ўтказилмоқда.

Муҳтарам уруш фахрийлари халқимизнинг доимий эътибори ва эъзозиде бўлиб келмоқдалар. Жумладан, ёлғиз яшаётган уруш ва меҳнат фахрийлари, истиклолимиз ҳимояси йўлида халқ бўлган ҳарбий хизматчиларнинг уй-жойлари таъмирланиб, обод қилинмоқда. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларининг ҳар бирига патронаж хизмати ва зарур тиббий муолажалар кўрсатилмоқда. Улар ўз хоҳишларига кўра санаторийларда даволанмоқда.

Ҳеч шубҳасиз, биз бугунги озод ва эркин ҳаёт учун азиз жонини аямасдан курашган бундай улғу инсонлар олдида доимо қарздормиз, улар учун бундан буён ҳам барча шароитларни яратиб берамиз.

Ҳозирги ғоят мураккаб ва тахликали замонда ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, фарзандларимизни турли зарарли таъсирлардан ҳимоя қилиш, бебаҳо бойлигимиз бўлган тинчлик ва барқарорликни, миллатлар ва динлараро дўстлик ва аҳилликни асрашдек ўта муҳим вазифаларни бажаришда қаҳрамон фахрийларимизнинг жасорати, шонли аънавалари биз учун ҳамisha ибрат мактаби бўлиб хизмат қилади. Биз улардан руҳ ва куч олиб, Ватан ҳимоячилари, тинчлик посбонлари, Янги Ўзбекистон бунёдкорлари бўлишдек юксак бурчимизни албатта шараф билан адо этамиз.

Азиз ва муҳтарам юртодошлар! Сиз, азизларни бугунги улғу айём билан яна бир бор чин қалбимдан табриқлайман. Барчангизга сихат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барақа тилайман.

Юртимиз тинч, халқимиз доимо омон бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

ВАТАН ФИДОЙИЛАРИ ХОТИРАСИ ХАЛҚИМИЗ ҚАЛБИДА МАНГУ ЯШАЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 9 май – Хотира ва қадрлаш куни ҳамда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган буюқ ғалабанинг 79 йиллигига бағишланган маросимда иштирок этди.

Янги Ўзбекистонда "Инсон қадр учун" деган эзгу тамойил барча соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларнинг бош ғоясини ташкил этади.

Бу жиҳатлар Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ватан ва халқ озодлиги йўлида мардлик ва жасорат намунасини кўрсатиб, жанг майдонларида жонини фидо қилган ота-боболаримиз, мустақиллик йилларида халқимизнинг тинчлиги ва осойишталигини ҳимоя қилиш ҳамда ўз хизмат бурчини адо этиш йўлида халқ бўлган жасур ҳарбийларимиз хотирасини абадийлаштириш, уруш йилларида катта қийинчиликларни сабр-бардош билан енгиб ўтган, фронт ортида фидокорона меҳнат қилган фахрийларимизга ғамхўрлик ва эътибор кўрсатиш борасидаги ишларда ҳам намоян бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Тошкент шаҳрида халқимиз жасоратининг ёрқин рамзи сифатида бунёд қилинган муҳташам Ғалаба боғи ёдгорлик мажмуаси қисқа вақт ичида қўлғу зиёратгоҳга айланди.

Президент Шавкат Мирзиёев Ғалаба боғига ташриф буюриб, "Матонат мадҳияси" ёдгорлиги пойига гулчамбар қўйди. Ушбу мажмуадаги ҳар бир экспозиция, тимсол ва биттиқлар муҳаббат уруш ҳақиқатларини ифода этади. "Матонат мадҳияси" ёдгорлиги урушда ўз боласидан, ёридан жудо бўлган барча аёллар шарафига ўрнатилган музаам бидидадир. Боғ бўйлаб таралаётган мунгли куй халқимизнинг йўқотишлари, халқ бўлган инсонлар тақдирини ёдга солади.

Бу санани биз ҳам хурсандчилик, ҳам изтироб билан нишонлаймиз. Урушнинг халқимиз бошига солган оғир қулфатлари, орадан шунча йиллар ўтса-да, унутилмайди. Уша пайтда республикамиз аҳолиси 6,5 миллион киши бўлган бўлса, шундан 1 миллион 950 мингдан ортиги урушда қатнашган. Уларнинг 538 мингдан зиёди қонли жангларда халқ бўлгани, 158 мингдан кўпроги бедарак кетгани биз учун ҳеч қачон ўрнини тўлдириб бўлмайдиган оғир йўқотишдир. Сўнги йилларда мана шундай йўқотишга мажмуалари ва музейлар ташкил

қилиб, ушбу ҳақиқатни муҳраб қўйди. Бу ишларимиз халқимиз, айниқса, ёшларимиз тарбиясида улкан аҳамиятга эга, – деди Шавкат Мирзиёев.

Бугунги кунда Ғалаба боғи юртодошларимиз, ёшлар учун ўзига хос ватанпарварлик, тинчликсеварлик мактаби бўлиб хизмат қилмоқда. Бу ерда "уч авлод учрашувлари", хотира тадбирлари, тарих дарслари ўтказилмоқда. Шу кунгача мажмуага 2 миллион 200 минг нафардан зиёд киши ташриф буюриб, Иккинчи жаҳон урушида кўпмиллатли Ўзбекистон халқи кўрсатган жасорат ва матонат тафсилотлари билан яқиндан танишган.

Мажмуа жамоаси томонидан 50 га яқин китоб-альбом ва монографиялар яратилгани, илгари номаълум бўлган юзлаб тарихий далиллар илмий муомалаларга киритилгани, 2 миллион нафарга яқин уруш қатнашчилари рўйхати шакллантирилгани, аҳоли мурожаатлари бўйича бедарак кетган жангчилар тақдирига оид маълумотлар тўпланганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Мамлакатимизда хотира маросимлари, уруш ва меҳнат фахрийлари, мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида халқ бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг хотирасини улғулашга қаратилган катта ишлар мунтазам амалга оширилмоқда. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 16 апрелда қабул қилинган "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги фармони ана шундай ҳурмат ва эътиборнинг яна бир амалий ифодасидир. Мазкур фармонга мувофиқ, уруш қатнашчилари ва ногиронларига пул мукофотлари тантанали равишда топширилди.

Ёлғиз яшаётган уруш ва меҳнат фахрийлари, истиклолимиз ҳимояси йўлида халқ бўлган ҳарбий хизматчилар оилаларининг уй-жойлари таъмирланиб, обод қилинмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон Куролли Кучлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, маҳалла фаоллари ва нурунийлар ҳам иштирок этиб, "Матонат мадҳияси" ёдгорлиги пойига гуллар қўйишди.

Президентимиз ташаббуси билан Ғалаба боғи худудида яна бир мажмуа – Мустақиллик фидойилари хиёбонини ташкил этиш режалаштирилган. Ташриф чоғида ушбу мажмуа лойиҳаси тақдимот қилинди.

– Инсон хотираси ва қадрини улғулаш борасидаги ишларимизнинг узвий давоми сифатида Ғалаба боғи таркибиде мана шу хиёбонни барпо этсак ва унга Мустақиллик фидойилари хиёбони, деб ном берсак, ўйлайманки, эл-юртимиз қалбидаги орзу-армон ва эзгу интилишларни рўёбга чиқарган бўламиз, – деди давлатимиз раҳбари. – Истиклол йилларида Ўзбекистон Республикасини, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қилиш йўлида халқ бўлган мард ва жасур ўғлонларимизнинг азиз хотирасига эҳтиром кўрсатиш барчамиз учун ҳам фарз, ҳам қарзидир. Ватанга фидойилик намунасини кўрсатган, юрт тинчлиги ва келажиги учун керак бўлганда жонини қурбон қилган бу баҳодир фарзандларимизнинг қаҳрамонлиги халқимиз, ёш авлодимиз учун доимо ўрнат ва намуна бўлиб хизмат қилади.

Мамлакатимиз ва чет эллик мутахассислар ҳамкорлигида ҳар томонлама пухта ишлаб чиқилган бетакрор лойиҳага кўра, Мустақиллик фидойилари хиёбониде она юртимизга уюштирилган террорчилик хуружларига қарши курашда, шунингдек, ўз ҳарбий бурчини адо этиш чоғида халқ бўлган аскар ва офицерларнинг кутлуг номлари, ўчмас хотираси абадийлаштирилади.

Давлатимиз раҳбари мажмуа ғояси ва қурилиши бўйича мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берди.

Ўз ёш билан озлашиб, ҳаётининг барча аччиқ-чулғини кўрган инсонлар учун энг муҳими соғлиқ. Шунинг учун уларнинг саломатлигини мустаҳкамлашга доимий эътибор қаратилмоқда. Айни кунларда ҳам бир гуруҳ уруш фахрийлари госпитал ва санаторийларда даволанмоқда.

Шу кун Президент Шавкат Мирзиёев Мудофаа вазирлигининг Марказий ҳарбий клиник госпиталига бориб, уруш қатнашчилари ҳолидан хабар олди.

Ускан ота Хаджиманов Боев туманидан, Файзулла ота Нурматов Оққўрғон туманидан, Анарбой ота Жалилов Паркент туманидан, Муҳиддин ота Дусанбаев Урта Чирчиқ туманидан келиб даволанмоқда. Улар ҳаётини рози экани, давлатимизнинг ва одамларнинг ҳурматидан хурсандлигини айтишди. Саломатликлари туман тиббиёт бирлашмасининг доимий назоратида, бепул дори-дармон ва ҳар йили санаторийларга йўлланмалар берилди.

Нурунийлар Президентимизга неварачеварларининг ўқиш ва ишлари, ютуқлари ҳақида сўзлаб беришди. Улар таълим, қурилиш, ички ишлар, қишлоқ ҳужалиги каби турли соҳаларда самарали меҳнат қилиб, юртимиз равнақига ҳисса қўшмоқда. Ёшлар замонавий билим олиб, чет элларга ўқишга кетмоқда. Боболар уларни тинчликнинг қадрига етиш, ватанпарварлик, меҳнатсеварликка даъват этиб келади.

– Ҳамма ҳаракатларимиз халқимизни рози қилиш учун, – деди Шавкат Мирзиёев. – Ислохотлар натижаси энг куйига, ҳар бир хонадонга кириб боришини истаймиз. Режаларимиз ҳам катта. Ҳамма жипслашса, биргаликда ҳаракат қилса, ўйлаган ниятларимизга тезроқ етишамиз. Сиздек нурунийларнинг дуолари бунда бизга мададкор бўлади. Сизларнинг ҳаётингиз ирода, жасорат мактаби, гапларингиз ёшларга ибрат.

Отахонлар меҳр-эътибор учун давлатимиз раҳбарига раҳматлар айтиди. Дунёнинг тинчлиги, ёшларнинг порлоқ келажagini сўраб дуолар қилди.

Госпиталде Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари муносиб парвариш қилинмоқда. Бу муассаса мукамал таъмирланиб ва янги биналар қурилиб, 2022 йил фойдаланишга топширилган эди. Госпиталде жами 700 ўринга мўлжалланган бўлиб, бу ерда ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари, соҳа фахрийлари бепул даволанади. Бунинг учун 286 хил диагностика текширув, 600 дан ортиқ амалиётлар йўлга қўйилган, 30 га яқин ихтисослашган бўлимлар ташкил этилган.

Ў.А.



9 май – Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган материаллар билан газетамизнинг 3-9-саҳифаларида танишишингиз мумкин.

Вазирлик мутасаддилари – Хитойда



Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Техник метёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти масъуллари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 августдаги 151-сон Фармонида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан Хитой Халқ Республикасига ташриф буюришди.

Ташриф давомида Хитой уй-жой, шаҳар ва қишлоқларни ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги Нормалар ва стандартлар тадқиқот институти (РИСН) билан ўзаро англашув меморандуми имзоланди. Мазкур меморандумга асосан, шаҳарсозлик соҳасидаги устувор ҳамда долзарб йўналишлар, зилзилабардодш бино ва иншоотлар ҳамда кўприк туннеллар бўйича миллий шаҳарсозлик нормалари муҳокамасини ташкил этиш ва уларни такомиллаштириш, соҳадаги долзарб масалалар бўйича кўшма тадқиқотлар олиб бориш, қурилишда нархларни шакллантириш соҳасида ҳамкорлик қилиш каби-лар бўйича ҳамкорлик қилиш белгилаб олинди.

“Янги Ўзбекистон” массивлари ўрганилди

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси бошлиги Козим Тўлаганов Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳрида қурилаётган “Янги Ўзбекистон” массивида бўлди.

Массивлардаги турар жой ва ижтимоий соҳа объектларида олиб борилаётган қурилиш ишлари сифати эса доимий назоратда бўлиб келган. Аҳолига ҳар томонлама қўлай ва сифатли уй-жойларни ўз вақтида топшириш мақсадида ҳудудлар бўйлаб мунтазам равишда мониторинг тадбирлари олиб борилаётган. Козим Тўлаганов бошчилигидаги ишчи гуруҳ ҳам массивнинг қурилиш жараёни билан батафсил танишиб чиқибди.



Жорий йилда 100 МИНГТА кватирадан иборат уй-жойлар қурилади

АОКАда ўтказилган брифингда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ахборот хизмати раҳбари Саидносир Усмонов Президентнинг тегишли Фармони ижроси юзасидан маълумот берди.

Хабарингиз бор, шу йилнинг 30 апрель кунини Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2024 йилда ипотека кредитларини ажратиш механизмидаги такомиллаштириш ва аҳолининг уй-жой шариотларини яхшилашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”-ги Фармони эълон қилинди. Мазкур ҳужжат мамлакатимизда уй-жой соҳасидаги ислохотларни самарали ташкил этиш, “Янги Ўзбекистон” массивлари ва замонавий кўп қаватли уй-жойлар қуриш кўламини кенгайтиришни кўзда тутиш билан аҳамиятлидир. Хусусан, ипотека кредити бозорини янада ривожлантириш ҳамда банклар томонидан ўз маблағлари ҳисобидан ажратилган кредитларни қайта молиялаштириш механизмидаги амалиётга жорий қилишни назарда тутадиган муҳим фармондир.

Мазкур ҳужжат билан жорий йилда ҳудудларда замонавий архитектура кўринишига эга 100 мингта кватирадан иборат бўлган кўп қаватли уй-жойлар қуриш мақсад қилинган. Шунингдек, қурилиш ташкилотларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга бозор тамойиллари асосида ажратилган кредитлар бўйича компенсация ва кафилилар тақдим этилиши ҳам белгилаб берилмоқда. Ипотека кредитларини молиялаштиришга Давлат бюджетини, “Ипотекани қайта молиялаштириш компанияси” ҳамда банкларнинг ўз маблағлари ҳисобидан камидан 17 триллион сўм маблағ йўналтирилди.

Яна бир жиҳат, келгуси йил 1 январдан бошлаб кўп қаватли уй-жойлар қуриш жараёнига “яшил” уй-жой стандартлари кенг жорий қилинади. 2024 йил 1 июндан бошлаб “маҳалла еттиклиги” тавсияси асосида Камбағалликдан чиқариш дастурига киритилган ва уй-жой шариотини яхшилашга муҳтож бўлган шахсларга яқка тартибдаги уй-жой қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш учун 120 миллион сўмгача ипотека кредитлари ажратиб берилади. Шунингдек, “Янги Ўзбекистон” массивларида кўп қаватли уй-жойлар қурилишида иштирок этилган қурилиш ташкилотларининг айтадиган маблағларини тўлдириш учун республика бюджетидан 500 миллиард сўм маблағ йўналтирилади. “Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” томонидан қурилиш ташкилотларига Тошкент

шаҳрида – 9 ва ундан юқори, бошқа шаҳарларда – 7 ва ундан юқори, қишлоқ жойларда эса 5 ва ундан юқори қаватли уй-жойлар қуриш учун ажратилган миллий валютадаги кредитлар бўйича 24 ойдан кўп бўлмаган муддатга “1+1” тамойили асосида ҳудудларнинг тоифасидан келиб чиқиб кафилилик ва компенсациялар тақдим қилинади.

2025 йил 1 январдан бошлаб қурилиш ташкилотларига “яшил” уй-жой стандартлари талаблари асосида кўп қаватли уй-жойларни қуриш учун Марказий банкнинг асосий ставкасидан бир фоиз бандга юқори ставкада кредитлар ажратилади. Шунингдек, келаси йилнинг 1 январига қадар фармоннинг 6-илловасида кўрсатилган янги қурилиш ва махсус техникаларнинг импортида боғжона божининг ноъл ставкаси қўлланилади.

2024 йил 1 майдан бошлаб эса бирламчи уй-жой бозоридида кватираларни сотиб олиш учун ипотека кредитларини ажратишда ипотека предмети ни сугурта хавфларидан сугурта қилиш талаби бекор қилинади. “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизимидаги электрон рейтинг баҳоси “С” бўлган ташкилотларга беш қаватдан юқори бўлмаган, “СС” бўлган ташкилотларга эса тўққиз қаватдан юқори бўлмаган уй-жойларни қуришга рухсат берилади. Аҳолининг пул маблағларини уй-жойлар қуришга жалб қилиш тартибини такомиллаштириш мақсадида норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқилиб, янги тизим амалиётга жорий этилади. Бунда “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизимида уй-жойлар қуришга жисмоний ва юридик шахсларнинг пул маблағларини жалб қилувчи пудрат ташкилотларининг электрон рўйхатини юритиш мақсад қилинган.

Шунингдек, электрон рўйхатдан ўтмасдан пул киритиш асосида кўп қаватли уй-жойлар қуришни бошлаган пудрат ташкилотларига нисбатан жавобгарлик чораларини белгилаш, пул киритиш асосида уй-жойлар қурилишини мониторинг қилиш тартибини белгилаш ҳам кўзда тутилмоқда. Бунда пул киритиш асосида кўп қаватли уй-жойларни қуришда иштирок этиш тўғрисидаги шартномаларни мажбурий равишда нотариал тасдиқлаш тартибини жорий қилиш ҳам белгилаб қўйилмоқда.

Ўз мухбиримиз.

Аҳолини рози қилишдек улўғ иш йўқ

Наргиза МИРЁҚУБОВА, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

“Олмазор Холдинг гранд” бошқарув сервис компанияси 2021 йили 30 дан ортққ уй-жой мулкдорлари ширкати ўрнида ташкил этилган.

Олмазор туманидаги 8 та маҳаллада жойлашган 123 та уйга хизмат кўрсатувчи компания 71 нафар инсонни аҳоли турмуши учун муҳим бўлган иш билан таъминлаб келиб, тадбиркорлик фаолияти ва кўшимча сервис ҳисобига ҳудудда мулкдорлар қўлайлигини таъминлашга эришмоқда. Компания аҳоли ва ишчи-ходимлар учун барча шароитларга эга бунда 24 соатлик диспетчерлик хизмати, мажлислар зали, ошхона, ҳордик чиқариш учун махсус хоналари мавжуд.

– 128 та кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатамиз. 2022 йилда 8 апрелда Президентимизнинг ташрифи бўлди, – деди мазкур компания раҳбари Арсдор Арслонқўжаев. – 2022 йилда Халқ банкининг Олмазор филиали томонидан ажратилган кредит ҳисобига техникалар сотиб олдик. Экскаватор, Дамас автомашинаси ва яна бошқа барча техника ва асбоб-ускуналарни харид қилиб, ўз ҳисобимиздан 700 миллионга яқин инвестициялар киритиб, ушбу маблағни таъмирлаш ишлари ва аҳолининг хизматлари учун йўналтирдик. Ҳар бир ҳудудда 8 та маҳаллага хизмат кўрсатиб, вақти-вақти билан сайёр қабуллар ташкил этамиз. Бирор бир ишни амалга оширишдан олдин ана шу қабулларда фуқаролар томонидан билдирилган тақлифларини ўрганимиз. 2024 йил режасини ҳам ушбу сайёр қабуллар натижасига кўра ишлаб чиқдик. Бизнинг энг асосий мақсадимиз аҳолининг эҳтиёжини қондиришдан, аҳолини қийнаб келаятган муаммоларни бартараф этишдан иборат. Масалан, ертўлада сув тошиб турса ёки уйлар томондан сув тошиб турса бундан ёмондир йўқ. Шу сабаб ҳам биринчи навбатда, аҳолининг муаммоларини ўрганиб, жойида тез фурсатларда бартараф этишга ҳаракат қиламиз.

БСКга аҳоли мурожаатларини куну тун қабул қилиш имкони яратилган. Келиб тушган мурожаатлар юзасидан хонадонларга борилиб, бюртмалар компания ходимлари томонидан келиб тушган мурожаатлар ҳал этилишига ҳаракат қилинади. Айтиш керакки, ёз кунлари аҳолидан 8-9 та мурожаатлар келиб туша, қиш мавсумида улар нисбатан кўпроқ бўлади.

– Компаниямизда “Менинг уйим” биллинг хизмати мавжуд, – деди БСКнинг IT муҳандиси Шерзод Озодов. – Бу тизимнинг афзаллиги шундаки, бу ерда барча маълумотлар ойдан ва шаффоф тарзда кўриниб туради. Фуқаролар ўз маблағлари қаерга тўланаётгани ва қаерга тушаётганини кузатиб бориш им-

кониятига эга бўладилар. Фуқаролар уйда туриб ҳеч қаерга чиқмай, турли мобил қурилмалари ва иловалар орқали коммунал тўловларни амалга оширишлари мумкин бўлади. Тўлов маданияти ни ошириш мақсадида 8 та маҳаллада мулкдорлар қўлайлигини таъминлаш мақсадида БСК билан биргаликда кўп ишларни амалга оширдик. БСК ходимлари аҳолининг мурожаатлари бўйича тинмай меҳнат қилишади. Уларнинг бундай хизматларидан аҳоли мамнун.

– Компания ходимлари маҳаллаларга анча кўмак беришмоқда, – деди “Жий-дали” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абдор Набиқўжаев. – Маҳалламизда 17 та кўп қаватли уйлар бўлиб, улар 10 йиллаб таъмирталаб эди. Давлатимиз раҳбари айтгандек, аввал халқни рози қилишимиз керак. Шу мақсадда БСК билан биргаликда кўп ишларни амалга оширдик. БСК ходимлари аҳолининг мурожаатлари бўйича тинмай меҳнат қилишади. Уларнинг бундай хизматларидан аҳоли мамнун.

Бугунги кунда кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатиш соҳасида тун кун фаолият юритувчи диспетчерлик хизмати-ни ташкил этиш ҳамда тизимни рақамлаштириш БСКлар олдида қўйилаётган вазифалардан саналади. Мазкур БСК ҳам ушбу масъулиятни англаган ҳолда моддий-техник базаси тўлдирилишига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Компания шу кунга қадар 32 та кўп қаватли уйнинг ертўласида мукамал таъмир ишларини амалга оширди. 21 та уйнинг том қисми профнастил қопламаси билан қопланди. 123 та кўп қаватли уйнинг асосий электр тақсимлагичлари замонавий талабларга мос мукамал таъмирланди. Шунингдек, 47 та кириш йўлига 12 та болалар майдончаси таъмирланди. Хавфсизлик нуқтаи назардан 4 та маҳаллада 270 та видеокузатув камералари ўрнатилди.

2023 йилда дастур асосида 17 та кўп қаватли уйлар ертўлаларида 100 фоиз темир қувурлар янгилига алмаштирилиб, электр кабеллари хавфсиз ва бир тартибга келтирилди. Бу ерда барча тармоқлардаги қувурлар замонавий-ларга янгиланди.

“Олмазор Холдинг гранд” бошқарув сервис компаниясининг 70 нафар ахил ходимлари аҳолига қўлай шароитлар яратиш, муаммоларини ҳал этиш мақсадида меҳнат қилишмоқда. Шунинг учун бўлса керак, ҳудудлар обод, кўп қаватли уйларнинг техник ҳолати ҳам соз тарзда. Аслида, мақсад ҳам шу – аҳолининг коммунал соҳадаги муаммоларига ўз вақтида ечим топиш.

ҚАРОР ВА ШАРҲ

Иншоотларнинг зилзилабардодшлигини ошириш тизимини такомиллаштириш йўлида янги қадам

Ярим тун. Қишлоқда ер қимирлади. Атрофда итлар ақилайди, қўрадаги мол-қўйлар безовталанади. Одамлар ҳовлиларига кўчиб чиққан. Набирасини чопонига ўраб ўтирган отахон бошқаларни тинчлантиради. Ўзи эса томорқадаги қўлмакка тикилади. Сув бетидан ой безовта – ваҳимали чайқалади.

Шу ҳолат шаҳарда – кўп қаватли бинолар жойлашган маҳаллаларда бўлса нима бўлади? Ҳаммининг тезгина ҳовлига чиқиш имкони йўқ. Қайсидир қаватда ўтирганлар қандилининг чайқалишидан кўрқувга тушади. Чорасизлик... Ваҳиманинг тезроқ ўтиб кетишини сўраб дуо қилади.

Узини асрагани Аллоҳ сақлайди. Бугун кўп қаватли турар жой бинолари, ижтимоий соҳа объектлари, умумфойдаланувдаги иншоотларни қуришда барча стандарт талабларга риоя қилиниши жуда муҳим. Бунёдкорлик талабларига амал қилмасликнинг оқибатлари оғир. Атрофга қараб, бошқа давлатлардаги ер силкиншиларидан кейин нималар бўлганидан хулоса чиқариш лозим. Зеро, кўпни кўриб шуқр, атрофга қараб фикр қилиш замоннинг талабидир.

Хусусан, сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасини доимий такомиллаштириб бориш керак. Мавжуд ва қурилаётган бино-иншоотларнинг сейсмик мухтакамлигини таъминлаш, зилзилани прогнозлаш, мониторинг қилиш ҳамда унга тайёргарлик қиришда давлат органлари ва ташкилотларининг ўзаро алоқаларини кучайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 17 апрелда “Бино ва иншоотларнинг зилзилабардодшлигини ошириш ҳамда сейсмик хавфни мониторинг қилиш фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Мазкур ҳужжат сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасига замонавий ёндашувларни жорий қилиш, бино ва иншоотларнинг зилзилабардодшлигини янада ошириш, кучли зилзилаларни прогноз қилишнинг янги усулларини ишлаб чиқишда муҳим аҳамиятга эга.

диган маълумотларнинг ягона базасини юритиш орқали мониторинг қилиш тартиби жорий этилмоқда.

МСК-64 шкаласи бўйича 5 ва ундан юқори баллик ер силкинши содир бўлганда бино ва иншоотларнинг ҳолати бўйича юқ кўтарувчи конструкцияларни автоматик мониторинг қилиш ускуналаридан олинган маълумотлар тезроқ равишда таҳлил қилинади.

– Мамлакатимиз сейсмик фаол ҳудудда жойлашган, – деди Фанлар академияси Сейсмология институти лаборатория мудири Улфат Нурматов. – Бу сейсмик ҳолатни доимий кузатиб, ўрганиб боришни тақозо қилади. Қарорга кўра, 2024 йил 1 июндан бошлаб республика ҳудудида бўлиб ўтган зилзилалар мониторингини, уларнинг илмий таҳлили ва фаол тектоник ер ёриқларининг ҳаракатлари орқали яқин келажакда кутилаётган кучли зилзила хавфи бор ҳудудларни аниқлаш амалиёти жорий этилади. Бу бўйича рақамли маълумотлар базасини шакллантириш ва қайта ишлаш йўлга қўйилади.

Қатор ривожланган давлатларда биноларни газ ва электр тармоқларидан блоклаб қўйиш тизими қўлланилган ҳолда бунёд этиш амалиёти жорий қилинган. Бу зилзила пайтида иншоотлар пойдеворидан кутилмаган чакнаш ва портлашлар хавфидан асрайди.

2024 йил 1 июндан бошлаб янги қурилиш режалаштирилаётган хавфлилик омили III-IV тоифа бўлган объектларда газ ва электр тармоқларини кучли зилзила пайтида автоматик блоклаш тизими билан лойиҳалаш тартиби жорий этилади. Бунда, сейсмик фаол зоналарда янги қурилиш режалаштирилаётган хавфлилик омили III-IV тоифа бўлган объектларнинг лойиҳа-сметта ҳужжатлари уларда кучли зилзила со-



Қарор билан 2024 йил 1 июндан бошлаб МСК-64 шкаласи бўйича 8 ва ундан юқори баллик сейсмик фаол зоналарда янги қурилиш режалаштирилаётган 5 қаватдан юқори тиббиёт объектлари ҳамда 9 қаватдан юқори биноларни актив сейсмик химоялаш қурилмалари, шу жумладан, сейсмоизоляция ва демпфер ускуналари билан лойиҳалаш амалиёти йўлга қўйилади. Актив сейсмик химоялаш қурилмаларини ўрнатиш қурилиш ишларига масъул бўлган бюртмачи ташкилотлар томонидан молиялаштирилиши белгиланди.

– Ер қимирлаб, ерости тўлқинлари биноларга таъсир қилганда сейсмик химоялаш қурилмалари ёрдамида тўлқинлар таъсири камаяди, – деди Тошкент архитектура-қурилиш университети ректори вазифини бажарувчи Баҳром Тўлаганов. – Бу кўп қаватли уйларни химоялашда аҳамиятга эга. Мактаб, болча, шифохона ва административ бошқарув бинолари мана шундай қурилмалар билан таъминланиши керак. Қарорда Тошкент архитектура-қурилиш университети тизимидаги сейсмик хатари ни юмшатиш, бино ва иншоотларни техник баҳолаш бўйича янги ўқув, илмий ва амалий марказ ташкил этиш кўзда тутилган. Бу марказ бино ва иншоотларни техник баҳолаш ҳамда мобил баҳо бериш бўйича юқори салоҳиятли мутахассислар гуруҳи жалб қилинади. Тегишли тадқиқотлар олиб бориш учун унинг моддий-техника базасини яратиш кўзда тутилган.

Қарорга кўра, 2024 йил 1 июндан бошлаб янги қурилиш режалаштирилаётган хавфлилик омили III-IV тоифа бўлган объектларга бино ва иншоотларнинг юқ кўтарувчи конструкцияларини автоматик мониторинг қилиш ускунасини ўрнатиш мажбурий этиб белгиланди.

Бино ва иншоотларнинг юқ кўтарувчи конструкцияларини автоматик мониторинг қилиш ускуналаридан олина-

дир бўлган газ ва электр тармоқларини автоматик блоклаш тизимини мавжуд бўлган ҳоллардаги шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизасидан ўтказилиши белгиланди.

Шунингдек, содир бўлган зилзилалар ва фасллардаги намгарчиликлар таъсиридан чўккан ҳамда деформациялар пайдо бўлган бино ва иншоотларни мухтакамлаш ишларига илғор, замонавий ва хавфсиз ёндашувларни жорий этиш кўзда тутилган.

– Қарор билан жойларда зилзилага тайёргарлик қўриш режаларининг тегишли тартибда олдиндан ишлаб чиқилиши белгиланган, – деди Фавқуллода вазиалар вазирлиги академияси бўлган бошлиги Бобомурод Қурбонов ўз мухбири Икром Аввалбоевга. – Ушбу режаларга мувофиқ, кучли зилзилаларга оид прогнозлар олинганда аҳолини тайёрлаш, хавфсизлигини таъминлаш чоралари қўрилади. Хусусан, ўтказиладиган махсус тактик машғуллар мақсади ва аниқ режалар асосида олиб борилади. Махсус ўқувларда аҳоли зилзила пайтида ва ундан кейин қандай ҳаракатланиши кераклиги ҳақида баҳардор қилинади.

Фанлар академияси ҳузурида юридик шахс маконига эга бўлмаган Зилзила муҳандислиги олимлари ассоциацияси ташкил этилади. Ассоциация томонидан ҳар чоракда тайёрланган тақлифлар Республика кенгаши томонидан ҳар ярим йилда муҳокамадан ўтказилади. Асосланган тақлифлар эса зудлик билан амалга оширилиши таъминланади.

Бу ўринда сейсмик хавфсизликни таъминлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар моҳиятини кенг жамоатчиликка тушунарли тарзда етказиш муҳим аҳамиятга эга. Шундай экан, мавзудоирасида туркум ва доимий материаллар таъбирлар ўқувчиларга етказиб бориш лозим.

Хотира майдони – мардлар макони



Адхам ЭГАМБЕРДИЕВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Пойтахтимиздаги мухташам мажмуа – Мустақиллик майдонидаги Хотира майдонини бир маротаба бўлса ҳам зиёрат қилмаган инсон топилмаса керак. Аммо у қандай ва ким томонидан қурилгани ҳақида ҳаммада ҳам тўлиқ тасаввур мавжуд эмас.

1999 йилда кенг қўламли реконструкциядан сўнг ёдгорлик замонавий қиёфада қайта қад ростлаган. Майдоннинг янги қиёфа касб этиши, унинг қурилиши ва жойлашиш ғоясиغا Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислам Каримов бош-қош бўлган. Хотира майдонининг архитектураси таниқли меъмор Азамат Тўхтаев томонидан шакллантирилган. Ёдгорликка ўрнатилган "Мотамсаро она" ҳайкали ушбу майдоннинг асосий кўрки ҳисобланади. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, академик, ҳайкалтарош Илҳом Жабборов билан майдон қурилиш тарихи ҳақида суҳбатлашдик.

– Санъат ўта мураккаб соҳа, – деди Илҳом Жабборов. – Унда эркинлик жуда муҳим. Илҳом инжиқ нарса. Аммо бизда бунга кўп ҳам имкон бўлмаган. Хотира майдони қурилиши ҳақида дастлабки маслаҳатлардан сўнг, 1999 йил 9 майга-ча 4 ойда ҳайкалларнинг гипс вариантлари ишлаб бергандик. Биздан фалон муддат ичида топшириш кутиларди, аммо санъаткор ўз маҳоратини эркин ишлаш асосида, нозиклик билан юзага чиқаради. Ҳайкалларнинг бронза вариантлари эса 2 йил ичида тайёрлашга муваффақ бўлдик. Одатда ўзим ижод қилган ҳайкаллар иш жараёнида маъқул бўлади. Аммо ишни аяқлаб, ўрнатганимизда ёқмай қолади. Шу сабаб, ўзим ўрнатган ҳайкаллар ёнига кўп ҳам бормайман. Бир тарафдан яхши, ҳеч қачон ўз ишингизга қаноатланиб қолмайсиз. Ҳозирги ёшлар эса бошқа. Улар ўзлари кимлигини яхши билмаган инсонлар ҳайкалини ҳам яратишга уринади. Ҳатто "Абдулла Қодирий расомми?" деб сўрайдиганлари ҳам бор улар орасида. Шундай пайт ачиниб кетаман. Ўзинг билмаган нарса ҳақида қандай иш қилиш мумкин?! Санъат ёлғонни ёқтирамайди. Уни пул топшиш манбаи деб қарамаслик керак, деб ўйлайман.

Илҳом Жабборов ўзига хос масъулият билан ишлаганини гап-сўзларидан яхши англаш мумкин. Унинг айтишича, "Мотамсаро она" ҳайкалининг образи ўз онасининг прототиби сифатида яратилган. Ҳайкалтарошнинг онаси ҳам урушдан қайтмаган ўғлини бир умр кутиб яшаган экан. Онанинг кўзларидаги мангу соғинч, юзларидаги ажинлар давр машаққатлари ва мустақам сабрдан далолат беради. Ёдгорлик Улуғ Ватан уруши йилларида Ватан учун жон фидо қилган 400 минг ўзбек аскарига бағишланган. Улар учун ҳудудлар кесимида хотира китоблари ҳам ўрнатилган. Майдон 1999 йил 9 майда тантанали равишда очилган.

Хиёбоннинг узунлиги 60 метр, унинг шимол ва жануб томонида айвонлар қад кўтарган, айвонлар тоқчаларига ўрнатилган металл тахталарга Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган ўзбекистонлик барча жангчиларнинг исм-шарифи битилган. Айвонлар миллий анъанавий меъморлик услубида устунли, васса жуфтли қилиб қурилган. Мажмуани бунёд этишда ва ўймакорлик билан жозибадор тарзда безаш жараёнида кўплаб маҳоратли усталар қатнашган. Хусусан, Абдуғани Абдуллаев (Кўқон), Ҳайитмат Боғбеков (Хоразм), Ҳасан Одиллов, Сирожиддин Раҳматуллаев (Тошкент), Насрулло Соҳибназаров (Самарқанд), Иулдош Тулаганов (Анджон) шоғирдлари билан биргаликда катта жонбозлик кўрсатишган.

Кейинчалик худди шундай меъморий иншоотлар республикамиз вилоятларининг марказларида ҳам бунёд этилган. Хотира майдони жасур халқимиз матонати, оққунгил оналар васфи, мустақиллигимиз рамига айланиб улгурган. Тилаймизки, улғурларга бешик бўлган бу пурҳикмат тупроқда ҳеч қачон уруш бўлмасин. Мустақиллигимиз ва тинчлигимиз абадий бўлсин!

Бухорода вилоятнинг бош Хотира майдони барпо этилмоқда

Бухоро шаҳри асрий анъаналарга содиқ қолган ҳолда бугун ҳам замонавий архитектура намуналари асосида тобора кўркам қиёфа касб этмоқда. Тарихий ва замонавий иншоотлар сони эса ортишда давом этапти. Хусусан, айтилган пайтда вилоятнинг бош Хотира майдони қурилиши авжида.



"Боқий Бухоро" тарихий-этнографик парки лойиҳаси амалга оширилиши жараёнида вилоятнинг бош Хотира майдонини "Bukhara City" замонавий турар жой ва ишбилармонлик марказига кўчириш режалаштирилган эди. Бироқ мутахассис олимлар, қолаверса, вилоят фалолларининг Хотира майдони учун сокин ва осуда жой танлаш мақсада мувофиқ эканлиги ҳақидаги тақлифлари инobatга олиниб, вилоятнинг бош Хотира майдонини Ислам Каримов ва Газлишоҳ кўчалари кесиммасида жойлашган,

6 гектардан зиёд майдонни эгаллаган хиёбон ҳудудига, яъни, "Боқий Бухоро" боғининг ён томонида бунёд этишга қарор қилинди.

Ҳозирда тажрибали меъморлар, уста муҳандислар томонидан Бухоро анъанавий меъморчилиги дурдоналари ва замонавий шаҳарсозлик услублари уйғунлигини ўзида мужассам этган Хотира майдонини қуриш ишлари жадал суръатда олиб борилмоқда.

Ўз мухбиримиз.



ҒАЛАБА БОҒИ: ТАРИХ САРИ БИР ҚАДАМ

Муҳиддин ЗАЙРИДДИНОВ,
ЎзЖОКУ талабаси.

Келажак сари жадаллик билан борар эканмиз, ортга назар ташлашни ҳам унутмаслигимиз лозим. Ортимизда буюк тарих ёзилган, унда мустақиллигимиз сабабчилари бўлмиш аجدодларимиз, уларнинг меҳнатларини овоздлик йўлида чеккан жабрларига ҳам ёзиб қўйилган. Инсон тарихий хотира билан барҳаётдир. Фашизм устидан қозонилган ғалабада ўзбек халқининг ҳам мардонавор ва улкан ҳиссаси борлиги айтилган ҳақиқат.

Юртимизда аждодлар хотирасини абадийлаштириш мақсадида кўплаб иншоотлар бунёд этилган. Улардан бири – Ғалаба боғидир. 2020 йил 9 майда Иккинчи жаҳон урушидаги буюк ғалабанинг 75 йиллиги муносабати билан Тошкент шаҳрининг Олмазор туманида барпо этилган Ғалаба боғи бугун юртдошларимизнинг сеvimли масканига айланиб улгурди.

Байрам арафасида биз ҳам Ғалаба боғига бордик. Чиндан ҳам, боғни тарихнинг жонли тимсоли, десак арзийди. Унинг ҳар бир буридаги уруш нафасини, жанг майдонларида аскарларнинг кўрсатган қаҳрамонликларини ҳис қилгандек бўласиз. Ҳар бир тасвир, ҳар бир буюм сизни тарих сари яна бир қадам яқинлаштиради, гўё... Бу ерга тинчлигимиз йўлида фидойилик кўрсатиб, қурбон бўлган аждодларимиз руҳини ёд олиш учун келган юртдошларимиз ҳам кам эмас. Айниқса, "Шон-шараф" музейига ташир буюрувчилар сони узилмаслигини кўриб қувондик.

Албатта, бундай кўркам гўшани яратиш, уни юртдошларимизга, келажак авлодга тортиқ қилишда неча ўнлаб мутахассислар, қурувчилар, лойиҳачилар тер тукишгани бор гап. Бизда боғ ва унинг қурилиши ҳақида янада кўпроқ маълумотга эга бўлиш истаги уйғонди.

"O'zshaharsozlik LIT" ДМ Архитектура-қурилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш бошқармаси 3-ўстахонаси олий тоифали лойиҳа бош архитектори, ғалаба боғи мажмуасини яратиш, унинг лойиҳасини ишлаб чиққан муаллифлардан бири Гулшоира Магаметова боғ қурилиши ва унинг халқимиз учун нечоғлик даражада муҳим эканлиги ҳақида сўзлаб берди:



– Ҳаммага маълумки, 2020 йилда жаҳон бўйлаб COVID касаллиги авж олгани сабабли, деярли барча мамлакатларда карантин эълон қилинган. Худди ана шу даврда собиқ Иттифок мамлакатлари каби юртимизда ҳам фашизм устидан қозонилган буюк ғалабанинг 75 йиллигини нишонлаш тарафидан қурилаётган. Боғ қурилиши ҳам айнан ана шу карантин пайтига тўғри келди. Мажмуани фойдаланишга топшириш учун бизда жуда ҳам кам вақт бор эди, атиги 8 ой. Карантин туфайли чекловлар ҳам мавжуд эди. Шаҳар кўчалари бум-буш. Кўпинча уйдан туриб ишлар эдик. Дадам офицер бўлган, онам эса рус тили фанидан дарс беради. Урушнинг биринчи кунидек дадам фронт сари йўл олган. Тоғам ҳам 20 ёшда урушга кетган. Ўша хотиралар хаёлимда гавдаланди. Лойиҳани яратишда ана шу воқеалар кўз олдимда гавдаланаверди. Ҳар сафар боғга келганимда, майдон бўйлаб юрар эканман, уруш пайтидаги болалик хотираларим ёдимга тушаверади. Келганимда бу ердаги зиёратчиларни кўриб, инсоният мозийига қайтиб, бир муддат бўл-

са-да тарихга назар солишига, тинчлигимизга шукрона айтишига амин бўлдим. Ғалаба боғи нафақат биз учун, келажак учун ҳам жуда муҳим, албатта. Боғга кўпроқ ёш авлод вакилларини жалб қилиш орқали уларга аждодлари қандай мардонавор бўлишганларини тасаввур қилишга ёрдам беришимиз керак. Ҳозир бу ҳақда сўзлаб бериш керак, лекин 100 йилдан кейин уруш даври нафасини ҳис қилган инсонларни қайтиб учратмайсиз.

Ғалаба боғининг умумий майдони 16 гектар бўлиб, мажмуа рамзий 12 та ҳудудга бўлинган. Булар – кириш қисми, марказий хиёбон, ҳарбий техникалар майдончалари, темир йўл вокзали, фронт орти, амфитеатр ва маъмурий бино, мотам ва андух, шоду хуррамлик, ғалаба, "Шон-шараф" давлат музейи ва шукроналик ҳудудларидир.

"Шон-шараф" давлат музейи экспонатлари орасидаги Иккинчи жаҳон урушида фойдаланилган қуроллар, аскар уруш зобитларнинг ўша пайтда ёзган хатлари нусхалари, техникалар, аскарлар кийган либослар, тиббий жиҳозлар томошабинда уруш ҳақидаги тасаввурни уйғотиши шубҳасиз. Бундан ташқари, танкларнинг ясалган нусхалари, ўқ тегиб тешилган шлемлар, автоматдан отилган ўқларнинг гильзалари ҳам томошабинни бефарқ қолдирмайди. Музейнинг 2-қаватида эса кўпроқ мустақиллик йилларида жасорат кўрсатган юртдошларимиз ҳақида маълумот олиш мумкин. Музейнинг тепа қисмида "Мангу жасорат" ва "Матонат мадҳияси" монументлари ҳамда тарихий-бадиий экспозицияларни кўриш мумкин. У ерда ўзбек генерали Собир Раҳимов ҳамда барча ўзбекистонлик ботир жангчиларнинг сўнмас хотираси ифодаланган бўлиб, урушда кўрсатган жасоратлари учун Совет Иттифоқи қаҳрамони унвонига сазовор бўлган 301 нафар юртдошимиз шарафига дарахлар экилганини кўриш мумкин.

Урушнинг дахшатли қиёфаси ҳудудида эса Берлин майдонларида Совет Иттифоқи ва фашистлар ўртасидаги дахшатли тўқнашув тасвирланган. Янада ишонарлироқ тусга келтириш учун қоронгу пайт

танланган ва майдоннинг турли жойларида уруш бўлаётган ҳудудни тасвирловчи овоз чиқарувчи мосламалар ўрнатилган. Қурбонлар, граната кўтарган ва танк ичида душманни нишонга олаётган аскарларнинг ясалган нусхаларини кўриб киши қўрқувга тушади.

Худди шунингдек, қолган барча ҳудудлар ҳам ўз мазмун-моҳиятига кўра тасвирланган бўлиб, томошабинда уруш ҳақидаги тасаввурни уйғотишга хизмат қилади.

Боғ ҳақида юртдошларимиз қандай фикрда?

– Боғга келиб, бугунги тинчлигимиз йўлида ҳаракат қилган ва қурбон бўлган боболаримизга раҳматлар айтдим, – деди фарғоналик юртдошимиз Севара Абдураулова. – Бобомнинг дадалари Иккинчи жаҳон урушида қатнашиб, ҳалок бўлган. Бугун фарзандларим билан уларнинг тинчлик деган олий неъматга эришиш йўлида кўрсатган жасоратларига гувоҳ бўлиш учун бу ерга келдик. Ўша даврда битилган хатлар ва қуролларни катта қизиқиш билан томоша қилдик. Ҳатто баданам жамирлаб, кўзларимга ёш ҳам келди. Ана шундай мард ва жасур инсонларнинг авлоди эканимдан фохландим.

Хулоса қилиб айтганда, аждодлар руҳига хурмат кўрсатиш халқимизнинг энг олий фазилатларидан биридир. Хотира – муқаддас ва азиз туйғу. "Қадр этган қадр топади", деган нақл бежизга айтилмаган. Ҳақиқатан ҳам, инсон ўзгаларга хурмат-эҳтиром кўрсатса, ўзи ҳам атрофдагиларнинг шундай муносабатида сазовор бўлади. Ватан равақни, халқ осойишталиги учун хизмат қилган эл фидойилари эса эзгу амаллари сабаб умрбод кишилар ёдидан ўчмайдилар. Номлари ҳамisha эъзоз билан тилга олинади, хотиралари мангуликка муҳрланади.

Аждодларимиз кўрсатган мардлик ва жасорат тарихини келажак авлодга етказишда, боғ қурилишида ўз ҳиссасини қўшган барча лойиҳачилар, қурувчилар ва бошқа касб эгалари ҳам биз учун аслида қаҳрамондир. Келажак авлод уларнинг бу шарафли меҳнатини узоқ йиллар хотирлаб юришига ишонамиз.


ВАТАН МЕЪМОРЛАРИ ХОТИРОТИ

Адхам ЭГАМБЕРДИЕВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

9 май – Хотира ва қадрлаш куни нишонланаётган шу паллаларда юртимиз осойишталиги, равнақи учун жон фидо қилган инсонларни эслаш, уларнинг кўрсатган жасоратлари ҳақида қалам тебратиш, албатта, биз ижодкорларнинг касбий бурчимиз. Зеро, жанг майдонларида жон фидо қилган юртдошларимиз қатори мамлакатимизнинг гуллаб-яшнаши йўлида сидқидил меҳнат қилган турли соҳа вакилларини эслашимиз, уларнинг хотирасини, қилган беназир хизматларини кенг олмага етказишимиз ҳам зарур.

Хотира ва қадрлаш куни сабабли юртимиз меъморчилиги, қурилиш соҳасида бир неча йиллар хизмат қилиб, юртимизнинг шаҳару қишлоқларини обод масканларга айлантиришида жонбозлик кўрсатган айрим устозларни хотирлагимиз келди.

Серго СУТЯГИН



Архитектор Серго Сутягин Москва шаҳрида туғилган бўлса-да, унинг кейинги ҳаёти Ўзбекистонда кечди. 1937 йилнинг 23 февралда Москва шаҳрида туғилиб, воёга етди. У ўз қизиқиш ва иқтидори туфайли архитектура соҳасини танлади. 1955-1960 йилларда Урта Осиё политехника институтининг архитектура йўналишини тугатиб, ҳозирги "O'zshaharsozlik LITI" ДМда илк фаолиятини бошлаган.

С. Сутягин ўзининг Ўзбекистондаги 40 йиллик иш фаолияти мобайнида кўпгина давлат аҳамиятига молик объектлар, Тошкент шаҳридаги турар жой бинолари, Самарқанд, Душанбе, Хива, Қўқон, Урганч ва Олмалиқ шаҳарларидаги иншоотлар, бинолар, турар жойлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этган. У бошқа касбдошларидан фидоийлиги, меҳнатсевар ва ўз касбига масъулиятли экани билан ажралиб турарди. Унинг самарали ва сифатли меҳнати, албатта, раҳбарлар эътиборидан четда қолмади. 1964 йилда катта иншоотлар лойиҳаси ва қурилишида иштирок этган Ҳамза номидаги Давлат мукофоти соҳиблари орасида Серго Сутягин ҳам бор эди.

Унинг энг яқин шогирдларидан бири, архитектор Илгиз Тур-сунбаев шундай хотирлайди:

– Бу инсон нафақат устозим, балки маънавий отам ҳам эди. У ўзбек меъморчилигининг катта шахсларидан бири. Шахсий фазилатлари жуда кўп эди, англикларга очиқ, илмга чанқоқ, ҳаммаша ишини мукамал ва сифатли яқунлашга ҳаракат қиларди. Хатоларимизни мулоимлик билан тушунтирар, умуман, инсон зотида меҳр-муҳаббатни бўлакча эди. У бизга ҳамма нарсада муҳаббатни ўргатди. Ишга муносабатни, ижтимоий мулоқот дейсизми ҳаммасида бизга ўрнак эди. Доимо улкан марралар сари илҳомлантиришга интиларди. У соҳамиз донишманди ва йўлбошчиси эди, унинг хотири, ўғитлари қалбимиздан мангу ўрин эгаллайди.


Дарҳақиқат, у қолдирган мерос уни унутимизга йўл бермайди. Тошкент шаҳридаги ҳозирги Алишер Навоий номидаги санъат саройи лойиҳаси ва қурилиши, "Самарқанд дарвоза" чойхонаси каби замонавий лойиҳалари юртимиз бунёдкорлигида катта аҳамиятга эга. Чунки ўша даврда барча қурилишларда кубик ва параллелепипед шаклларидаги лойиҳалардан фойдаланиларди. С. Сутягин қурилиш лойиҳасида янгича – пирамида шаклини қўллаб, эски шаҳар дарвозалари ўрнида пирамида ўрнатиб, миллий дизайнларимизга асосланган қўришниларни қўллади. Бу нафақат ҳукумат мутасаддиларига, балки кўп сонли аҳолининг ҳам эътирофига сазовор бўлди. Бу масканлар 1980 йиллардаёқ пойтахтимизнинг энг диққатга сазовор масканларидан бирига айлангани ҳолда, ўз бағрига қўллаб хорижлик сайёҳларни ҳам чорлади ва туризм масканига айланди.

"Баҳор" концерт зали кириш фойесининг қайта қурилиши, Қўқон театридаги деворий суратлар, пойтахт марказидаги Адабиёт музейи композициялари ҳам соҳанинг тажрибали мутахассиси С. Сутягин ижоди маҳсулидир. У мамлакат Архитекторлар уюшмасининг аъзоси, бир неча халқаро мукофотлар лауреати ҳамда Халқаро архитекторлар академияси академиги унвонларига сазовор бўлган. Шунингдек, санъат соҳасидаги лойиҳалари учун Алишер Навоий номидаги давлат мукофотида ҳам муносиб қўрилган.

Унинг залворли ишларидан ҳисобланган Чирчиқ шаҳрида қад кўтарган марҳумлар ёдгорлиги, 1968-1973 йилларда қурилиши тугалланган ва пойтахт қўрғига қўрқ қўшган Ўзбекистон давлат кутубхонаси, Хива шаҳридаги ҳукумат ва жамоат маркази, "Хадра" умумий овқатланиш мажмуаси, навқирон ва кўҳна Самарқанддаги Халқаро ёшлар меҳмонхонаси, Душанбе шаҳридаги 2500 ўринга мўлжалланган киноконцерт зали, Тошкент метросининг "Космонавтлар бекати" каби ўндан ортиқ лойиҳалари танлов асосида қурилиб, қад ростлади.

Биз бу маҳоратли архитекторнинг хотирини сўз билан тўлақонли ифода қилолмасак-да, унинг сиймоси ҳақида қурган бинолари, амалий ишлари, касбий ва маънавий қомиллиги далolat қила олади.

Ремзи АДИЛОВ



1955 йилда зиёли оилада туғилган Ремзи Адиллов кичик фарзанд бўлиб, унинг отаси Ниджатин Яхё ўғли бир умр давлат ташкилотларида меҳнат қилган инсон эди. Онаси Лутфия Каримова фарзандларини ўқимшли, ватанга фойдаси тегадиган инсонлар қилиб тарбиялашда меҳнати ва меҳр-муҳаббатини аямади. Уларнинг оиласи хизмат тазосиси билан Ўзбекистонга кўчиб келганидан сўнг, отаси энергетика соҳасига ишга кирди. Ремзи Адиллов Янгийўлдаги 10-сонли умумий таълим мактабида ўқишини давом эттирди. Математика, физика фанларини аъло баҳоларга ўқиган Ремзи Адиллов бадиий рассомлик тўғрисида қатъий бўлди. Чизган сурат ва чизмалари унинг келажақда аҳшигина рассом бўлишидан башорат берарди.

Мактабни битирган Р. Адиллов Тошкент политехника институтининг архитектура йўналишига ўқишга кириб, у ерда етук мутахассислар Евсей Моисеевич Слоним, Валентина Николаевна Манакова, Леонид Григорьевич Караш, Абдулла Бобоҳонович Бобоҳонов каби тажрибали профессорлардан таҳсил олди. 1978 йилда институтни имтиёзли диплом билан тугаллаган Ремзи Адилловга пойтахтдаги "ЎзНИИП градостроительства" давлат корхонасига ишлагани йўллана берилди. Бу ерда архитектура соҳаси мутахассислари Ричард Владимирович Блезз, Владимир Владимирович Березин каби тажрибали архитекторлар билан ишлаш бахтига муяссар бўлди. Улардан соҳа сирларини кунт билан ўрганди. Азиз Валиевич Ғаниев раҳбарлигидаги корхонада билим ва тажрибаларини ошириб, устозларнинг ўғити ва маслаҳатларини олиб, лойиҳалаш ишларида иштирок этди.

Ремзи Адиллов катта ижодий жамоа таркибиде 1993-1995 йилларда фаолият юритган. Ўша йиллар давомида Бўстонлик туманидаги Сижжак қишлоғида қад ростлаган Президент қароргоҳи, 2004 йилда Урганч шаҳрида қурилган расмий делегациялар қароргоҳи, Фарғона шаҳридаги Марказий банк бўлими, пойтахтимиздаги Сингапур университетини ўқув комплекси, Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек туманидаги олий ўқув юрталаро спорт комплекси, Жиззах вилоятидаги турар жойлар, мактаблар ва мактабгача таълим муассасалари лойиҳалари шулар жумласидандир.

– У азиз дўстимиз, салоҳиятли ҳамкасбимиз, доно ва тажрибали устозимиз эди, – деди касбдоши Нафиса Куранова. – У адаби-

ёт, санъат ва musiқага жуда қизиқарди, жазни яхши кўрарди ва кадрларди. Унинг маслаҳатлари доимо конструктив, танқидлари эса адолатли ва холис бўлган. Ремзи Адиллов лойиҳалар бош меъмори лавозимида ишлаб, ёш меъморлар таълим-тарбиясига алоҳида эътибор қаратди, билим ва тажрибасини саҳоват билан ўртоқлашди. Унинг устахонасини битирган қўллаб юқори малакали мутахассислар бугунги кунда Ўзбекистонда ҳам, хорижда ҳам мустақил фаолият олиб боришмоқда. Янги замон талабларини яхши англаб, билим ва аъналарни кадрларди. Энг асосийси, биланларини атрофдагилар билан бўлишарди. Ремзи Адиллов ўз оиласи ва дўстларини чин дилдан севар, уларга гамжўрлик қилар, қизлари билан фаҳрланар, невараларини яхши кўрарди. Унинг бизга ва касбга бўлган муносабати профессионал даражада бўлиб, гузал хотири ўлароқ ўзбек архитектурасига қўшган хиссасини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. Зеро, буюқлар ва эзгу ишлар асло, ўлмайд...

Ҳақиқатан ҳам, улуг инсонларни хотирлаш, эзгу ишларини эътироф этиш, уларга муносиб бўлиш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Инсон улуг, бунёдкорликка бағишланган умр эса ундан ҳам улугдир. Ремзи Адилловнинг соҳадаги хизматлари муносиб тақдирланиб, Президент Фармонида мувофиқ "Халқлар дўстлиги" ордени билан тақдирланди ҳамда раҳбариятнинг қўллаб ташаккурнома ва Фахрий ёрлиқлари билан ҳам мукофотланганди.

У қурган бинолар кўп давлатларда савлат тўкиб турибди

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Етмиш олти ёшли Атабой Каримов Хоразмдан Тошкентга келмаганига анча бўлгани учун пойтахтнинг бугунги замонавий қиёфаси ва инфраструктураси бу даражада ўзгариб кетишини хаёлига ҳам келтирмаганди. Аслида, бунёдкорлик ишлари унга бегона эмас. Умрининг кўп қисми турли қурилиш объектларида ўтган. Замонавий лойиҳалар асосида кўкка бўй чўзиб турган осмонўпар биноларга узоқ тикиларкан, ўзи шу соҳада ишлаган йиллар бир-бир кўз ўнгидан ўта бошлади...

Ишчи оиласида улғайган Атабой эл-юртга наф келтиришни амалда қилгани учун Самарқанд архитектура-қурилиш институтига ўқишга кирди. Илмга ташналик ва талабалик йиллари кўз очиб юмгунча орда қолди. Олий даргоҳдаги устозлари қалбига жойлаганларини амалда қўллаш ва мустақил иш бошлаш мақсадида Хоразм вилоятидаги қурилиш-монтаж бошқармасига йўллана билан келди. Еш мутахассисни анча вақтдан буён қурилиши тўхтаб қолган объектга прораб вазифасига тайинлашди. Атабой ака учун бу нафақат масъулиятли вазифа, балки синов ҳам эди. Дастлабки кундан ишлар нега тўхтаб қолгани билан қизиқди. Урганишларда объектга ажратилган маблағ бошқа жойга асоссиз равишда йўналтирилгани туфайли зарур материаллар етказиб берилмагани ва шу туфайли тажрибали ишчи-хизматчиларнинг ақсарияти кетиб қолгани, борлари эса бир неча ойдан буён маошсиз юргани аёнлашди.

Бу масалага ўша даврдаги вилоят раҳбари Маркс Жуманиё-

зовнинг аралашуви билан ечим топилди ва етарли маблағ ажратилгач, қисқа вақтда 55 хонадонга мўлжалланган кўп қаватли турар жой битказилиб, ўз эгаларига топширилди. Ишга катталар аралашганини ташкилот раҳбари хуш кўрмаган бўлса-да, бироқ Атабой Каримов каби ёш мутахассисга ташкилот муҳтож эканини ҳам унутмади. Шу сабабли, асосий йиғилиш ва янги лойиҳаларни ишлаб чиқаришга татбиқ қилишдан аввал бошқалар қаторида унинг ҳам фикри инобатга олинди, қўллаб қўйилган юзасидан ўзгаришлар киритилди билан бўлди.

Вақт ўтгани сари ўз соҳасини мукамал ўзлаштирган мутахассисга харидорлар ҳам кўпаяверди. Улардан бири, "Хоразмсовхозстрой" трести эди. Бу ташкилотда бош инженер вазифасида кўп йиллар меҳнат қилиб, вилоят маркази ва туманлар қисимида йирик иншоотлар қурилишида бош-қош бўлди. Ушбу корхона собиқ Иттифокнинг барча республикалари учун қурилишларни амалга оширса ихтисослашгани бонис, ўша кезларда бош инженер масъулли-



гида Молдавия, Арманистон, Туркменистон, Украина ва Белоруссия, Болтиқбўйи ҳамда Россия сингари бошқа республикаларда ҳам ўнлаб кўп квартиралар уйлар, мамурий бинолар қурилди. Булардан ташқари, Кисловодск, Трускавец, Ялта каби шаҳарларда қурилган сирхатдошларда шу кунгача миллионлаб кишилар соғлигини тиклаётганини, ана шу ўндан ортиқ пансионатлар Атабой Каримов бошчилигидаги ўзбекистонлик бунёдкорлар томонидан қурилганини алоҳида таъкидлаш керак.

Истиқлолнинг дастлабки йилларида тажрибали қурувчи Хоразм вилояти уй-жой коммунал трестида бошқарувчи, Урганч шаҳар ҳокимининг саноат ва қурилиш, коммунал хизматлари бўйича ўринбосари вазифасида хизмат қилиб, ҳудуд инфратузилмасини янгилаш ва маҳаллаларни ободонлаштиришга муносиб ҳисса қўшиб, 2005 йилда нафақага чиқди.

Атабой Каримовнинг 7 нафар фарзанди барчаси олий маълумотли, турли соҳа мутахассислари. 21 нафар невара-чеваралар эса сеvimли болаларига қанот. Кўп йиллик меҳнатидан қадр топган ва ибратли оиллага бош-қош бўлиб келаётган Атабой ака ислохотлар жараёнини вилоятдаги янгилаш ишлар мисолида кузатиб боришни одат қилган. Амалга оширилаётган ишларни кўриб қувонди, шу кунларга етказганига шукроналар айтади. Яна бир яхши хислати, бир неча йиллардан буён нафақаси ва фарзандларининг мошидан тежалган маблағ ҳисобига ён-атрофдаги кам таъминланган оилаларга ҳоимийлик қилади.

Атабой ака ҳаёл оғушига шўнғиб, кун чошгоҳдан ошганини ҳам сезмай қолибди. Агарда қизи Нодирахон кўнгирак қилиб қолмаганида пойтахтдаги бу янгилаш ишлари ўзи меҳнат қилган даврлар таққоси уни яна қаерларга бошларди.

Ўлмас сиймолар

Адхам ЭГАМБЕРДИЕВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Улуғ инсонларни қалбимизда хотирларканмиз, инсон ўлароқ нақадар гузал ва мазмунли яшаганига гувоҳ бўламиз. Бугун ана шундай миллат қаҳрамонини ёд этишни мақсад қилдик. Зеро, бу инсон ўз умрини миллат ривожини учун харжлади. Уни том маънода бутун миллат ёшларининг устози, устозимиз, десак арзийди.

1932 йил Тошкент шаҳрида туғилган Наим Каримов бутун умрини бутун яшайди. Уз изланишларида, ёзган китобу мақолаларида яқин тарихимиздаги миллий аслиятимизга том маънода қайтиш қилди. Қатагон қилинган юзлаб ота-боболаримизнинг оқланишига бош-қош бўлди. Жадид адабиётининг нуқтадон тадқиқотчиси сифатида илмий жамоатчилик ҳурматиға сазовор бўлди. Махфий архивларда йиллаб тадқиқ қилинган маълумотлар асосида кўп тарихий ҳақиқатларга ойдинлик киритди. Бу катта иш, аслида,


Фаолияти давомида юзлаб шогирдлар, профессорларга устозлик қилди. Чин маънода илм ва олимлик мактабини яратди, десак адашмаймиз. Чунки бу инсоннинг маънавий таъсири ниҳоятда катта эди. Ҳар бир ҳаракатида инсонийлик шавқи сезилиб турарди. Бир сафар суҳбатлашишга борганимизда устознинг инсон ҳақида йиғлаб гапириб бергани ҳамон эсимда.

– Инсон шу қадар муборак номки, уни шунчаки тилга олиб бўлмайди. Китоб ўқиган, адабиётни таниган кишигина инсонийликка дахлдор деб тушунамаслик керак. Қайси соҳа вакили бўлишдан қатъи назар, Аллоҳ ҳаммамизга инсон бўлиш вазифасини баравар юклаган. Чинакам инсон бўлиш ҳақиқий бахт. Жами мохият асл инсон даражасида анланади...

Дарҳақиқат, яқинда марҳум олимни сўнги манзилга кузатиш маросимида иштирок этарканмиз, энг аввало, академик эмас, ўзгача инсон эди, дея ёд этди олимнинг яқинлари. Жумладан, адабиётшунос олим Олимжон Давлатов шундай деди:

– У киши академикларнинг фариштаси эди. Фаришта инсон эди...

Кўпгина олимлар, илмий жамоатчилик, санъаткорлар улкан йўқотиш олдиде сукут сақлаганини кузатиш мумкин эди. Маҳоратли театр актёри Муҳаммадали



Абдуқундузов ўйга толган ҳолда маъноли ўтирганининг гувоҳи бўлди. Асл ойдонларгина бундай йўқотиш залворини қалбдан ҳис қилади, ич-ичидан оғринади. Фақатгина соф инсоний кадр-қимматини, иззатини сақлай олган инсонларгина умрини шундай мохиятан гузал яқунлайди.

Биз қайсидир блогер вафот этганию, қайсидир бойбачанинг тўйини қизикчи билан давомида қилаётган бир маҳалда бу ёнда улкан устоз, бир ёниқ тафаккур тўғатганини ҳатто билмасмиз ҳам. Ҳаётимизнинг моддий томони ошиб, маънавий томони йўқолаётган, ёшлар ўз зиёлиларини танимайдиган бир даврда яшашимиз, ахир! Буларга ортиқ тўхталмоқчи эмасман. Аммо бир нарсани унутмаслик кераки, халқнинг маънавий бўлишларини тўлдириб, унга сидқидилдан хизмат қилган инсонлар хотири абдий ёдимизда қолади.

Бекорга айтмайди-да, "Аввал одам бўл, сўнгра олим бўл", деб. Наим Каримов умри давомида инсонийлик чегараларини бузиб ўтмади, камтарин ва юмшоқ қалби билан адабиётга, миллатга ва инсониятга ҳалол хизмат қилди. Миллат ўлароқ халқимизга чин инсонлик феъли ва руҳиятини ифода қилиб берди. Барчамизга шундай мазмунли, залворли мақсадларни амалга ошириш насиб қилсин.

Демокчи бўлганимиз, устозларни ҳаётлигида зиёрат қилиб, дуоларини олишга ҳаракат қилайлик. Зеро, ҳаёт тўтинчи. Муҳаммад Юсуф айтганидай, "Эрталаб ерда ётган қозонни кечки пайт қайтаётиб ҳам қуришинг мумкин. Аммо эрталаб қўрган одамни эса ҳар доим кечқурун қўравермайсан..."

"O'zshaharsozlik LITI"

BOSH LOYIHA INSTITUTI DAVLAT MUASSASASI



Vatanimiz sarhadlari mustahkam, tinchligimiz abadiy bo'lib,
oqibatimiz uzilmasin.
O'tganlar yodini barhayot bilib, ulardan qolgan ezgu qadriyatlarini
asrab-avaylab yuraylik.

XOTIRA VA QADRLASH KUNI

munosabati bilan barchani samimiy qutlaymiz.
Baxtingiz butun bo'lsin, aziz Vatandoshlar!



"QISHLOQQURILISHLOYIHA"

mas'uliyati cheklangan jamiyati

Aziz vatandoshlarimizga

9-may – Xotira va

qadrlash kuni

muborak bo'lsin.

*Butun dunyoda tinchlik,
omonlik hukm surib, hayotimiz*

bayramlarga to'la bo'lsin.

*O'tganlarning ezgu yodi ila
qalblarimiz munavvar bo'lsin!*





**Andijon viloyati Qurilish va uy-joy
kommunal xo'jaligi sohasida
hududiy nazorat qilish inspeksiyasi**



Ulug' tarixga ega yurtning
kechalari oydin,
kunduzlari ezgulik va
shodlikka to'la bo'lsin!

**9-may —
Xotira va qadrlash
kuni barchamizga
qutlug' bo'lsin.**

Duolarimiz ko'p, dildan
qilgan xotirlarimiz o'tganlar
ruhini shod etsin!

**Jizzax viloyati Qurilish va uy-joy
kommunal xo'jaligi sohasida
hududiy nazorat qilish inspeksiyasi**

Mehr-oqibat va ahillik tuyg'ularini mujassam etuvchi ezgu bayram —

Xotira va qadrlash kuni

*bilan yurtimiz ahlini muborakkbod etamiz!
Sog'lik, omonlik, tinchlik hamisha hamrohingiz bo'lsin!*



"Дунёда тинчлик бўлсин..."

Адҳам ЭГАМБЕРДИЕВ,
"Ўзбекистон bunyodkori"
мухбири.

Тегра олам ҳақида ҳар кишининг ўз англагани бордир. Қаҳрамонимиз Мирҳамид ака Абдуллаевнинг ҳам ўз юрган йўллари, мушоҳада этган фиклари бўлиши табиий.



У киши 1953 йилда Тошкент шаҳрида зиёли оиласида дунёга келган. Мутахассислиги – шарқшунос. Ниёти қадимда форс тилида иншо этилган тарих зарварларини она тилимизга ўгириб, ўтмиш тилсини очиб эди. Истақ қисматга йўл очар, деганларидек, хайли хизмат йўлида Ватан тинчлигини сақламоқ каби шараф ҳам уни қутиб турарди.

Талабалигидан қизиқувчан, она Ватанига содиқ, орзу-ҳавасли йигитчанинг тақдирини 1979 йилда қўшни Афғонистонда юз берган вазият туйғайи кескин ўзгартирди. Ҳам фикран, ҳам сиёсан шакланган тафаккурда қўшни мамлакатдаги фуқароларга вазиятни аниқлаш, минтақада тезроқ тинчликка эришишдек олижаноб мақсадлар илинжида жараёнда бевосита иштирок этиш ҳақида ўйлай бошлади. Шарқшунос бўлгани учун беқарорлик ҳўкм сураётган ўлка, унинг тили, маданияти ҳақида яхши биларди. Афғонда яшаётган қавмларнинг тақдирига чанг солаётган уруш хавфи ортиб бораётгани ҳам бунга туртки бўлди. Шу ваздан у кўнгилли бўлиб, собиқ шўро ҳарбийларининг тинчликпарвар кучлари сафида хизматга отланди.

Шўро ҳўкуматининг ўша даврдаги сиёсати қўшни мамлакатга биродарлик кўмагини кўрсатиш, табора яқинлашиб келаётган ҳарбий можароларнинг олдини олишга қаратилганди. Қолаверса, бу хавф чегараларимиз ҳудудидан юртимизга оқиб ўтиши ҳам мумкин эди. Мирҳамид ака унча Давлат марказий архивида кичик илимий ходим бўлиб ишлар, жамиятда кечаётган воқеаларни кузатиб борарди. Тил билгани кўл келиб, 1980 йилда мурожаати инобатга олинди. Икки йил давомида ҳарбий ҳаракатларда иштирок этди. Унинг вазифаси бошқа ҳарбийлардан фарқли ўлароқ, вазиятни тўғри баҳолаш,

афғон халқининг табиати, дунёқарашларини англашлари учун уларга йўл-йўриқ бериш, лозим бўлганида қўшни мамлакат фуқаролари билан ҳам алоқа ўрнатиб, ташвиқот-тарғибот ишларини олиб боришдан иборат эди. Шу жиҳати билан у ҳар икки томонда ҳўрмат қозонди. Айни пайтда айрим афғонистонлик ҳамкорларининг ишончига ҳам сазовор бўлди.

Ҳарбий жараёнлар пайтида ахборот муҳим роль ўйнайди. Ҳақиқий ахволни юзага олиб чиқиш мушқуллигини тарафларни муросага келтиришда мураккаб вазиятларда ишлаган одам билди. Мирҳамид ака форс тилини яхши билгани, омма учун мўлжалланган ташвиқот варақаларини тайёрлаш, душман томон олиб бораётган сиёсат ҳақидаги маълумотларни тўплаш, қайта тайёрлашда катта жонбозлик кўрсатди. Бунинг учун у ҳарбий қисм раҳбарлари билан суҳбатлар уюштирар, мурожаатлар матнини тайёрлаб, оммалаштирар ва шу билан ўз зиммасидаги вазифаларни бажарарди.

Мирҳамид Абдуллаев ўша кўнларда эсларкан, 30 дан зиёд вазиятда пистирмага дуч келгани, ҳарбий тўқнашувларнинг жиддийлашиб кетмаслиги учун томонлар билан алоқа ўрнатиб, муросаи мадорга эришган кўнларини кўз олдига келтиради. Бу ҳақда унинг ҳўқоқларини эшитар экансиз, тинчлик-тотувлиқнинг қадри нақадар баландлигини ҳис этасиз. Ахир, қуршовда қолиш, очлик, қаровсизлик, ҳаловатсизлик дегани. Унинг биргина қалтис ҳаракати, юзлаб аскарларнинг жофеаси билан туғши мумкинлигини ҳис этиш қийин эмас. Айниқса, ҳарбий

операцияларни бажараётган кўмондонликка ҳақиқий маълумотларни етказиб бериш, тинч аҳолига талафот етказмай муаммоларни ҳал этишининг ўзи бўлмайди, албатта.

– Тўғри, уруш тўғрисида кўп ёзилапти, – деди суҳбатдошим. – Уруш – бу беғуноҳ инсонлар ўлими, хонадонларнинг вайронаси, талафот ва бузғунчилик дегани.


Тарихан маълумки, Иккинчи жаҳон уруши даврида учинчи фронт очилиши ҳақида ҳам ҳаракатлар бўлган. Ўша афсонавий "Барбарос" режасини эслайлик, унга кўра, босқинчилар июнь ойида жангга кириб, ноябрь ойида ғалабага эришмоқчи бўлган. Аммо, режа инқирозга юз тутгач, уруш алангасини Туркия, Эрон ва Афғонистонга кўчириш орқали минтақанинг қулини кўкка совириш бўлган. Бунинг учун душман томон ўз жосусларини ўша мамлакатларга юбориб, фитналар тайёрлай бошлаган.

– Вазиятдан фойдаланиб, ўша даврда бу ишларга қарши тура олган ўзбек разведкачилари ҳақида эслаб ўтсам, – деди Мирҳамид Абдуллаев. – 1908 йилда Бахмал туманида туғилган Баҳром Иброҳимов исмли ўзбек йигити ана шу авж жараённинг ичиде, мамлакатимиз ҳудудларида бўлиши мумкин бўлган уруш алангасини ўчиришга хизмат қилган қаҳрамон юртдошларимиздан бири бўлган. Унинг саъй-ҳаракати билан душманларнинг учинчи фронт очиш мақсадлари амалга ошмай қолади. Худди шунингдек, бизнинг давримизда ҳам қўшни мамлакатдаги ҳарбий можаролар вақтида ҳал этилмаса, бизнинг ўлкаларда ҳам нотинчлик юз бериши ҳеч гап эмасди. Шу боис, мақсадимиз – имкон қадар вазиятни кўлдан чиқармасликдан иборат бўларди.

Истеъфодаги полковник Мирҳамид Абдуллаев 2010-2021 йилларда ҳозирги "O'zshaharsozlik LITI" ДМда меҳнат муҳофазаси муҳандиси вазифасида фаолият олиб борган. Кўрсатган хизматлари туйғайи унинг кўксини бир қатор медаллар ҳамда кўкрак нишонлари беэаб турибди. Аслида, унинг қалбиде бизга аён бўлганидан кўра кўпроқ сўзлар бор. Баъзан аниқламоққа сўзни, баъзан сукутни ихтиёр этса-да, унинг шарафли ва ҳўрматга лойиқ ҳаёти бор.

– Дунёда тинчлик бўлсин, одамлар тинч-тотув яшасин, тинчликнинг қадрига етайлик, замондошлар! – деди у биз билан хайрлашаркан.

"TASHGIPROGOR" AJ



Aziz va jonajon xalqimizni
XOTIRA VA QADRLASH KUNI
munosabati bilan samimiy qutlaymiz.

Tinchligimiz abadiy bo'lib, hayotingiz quvonch-u shodlikka to'lsin!

Farg'ona viloyati Qurilish va uy-joy kommunal xo'jaligi sohasida hududiy nazorat qilish inspeksiyasi

Tonglari farahbaxsh, tunlari oydin yurtda yashayotgan jonajon xalqimizni

9-MAY – XOTIRA VA QADRLASH KUNI bilan tabriklaymiz.

Yurtimiz tinch, osmonimiz doimo musaffo bo'laversin!



Toshkent shahar Qurilish va uy-joy kommunal xo'jaligi sohasida hududiy nazorat qilish inspeksiyasi

Diyorimiz tinch va qutlug' zamin bo'lib yuksalaversin. Bobolarimizdek ulug' ishlar payida bo'ladigan avlodlar bo'laylik.

9-may – Xotira va qadrlash kuni

barchamizga muborak bo'lsin.

Ulug'lar xotirini dilda saqlab, milliy o'zligimizni mustahkamlashda davom etaylik!



Ибодулла полвонни эслаб...

Болабой МАТҚУРБОНОВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Халқимиз йўл ва кўприк қурган инсонларни азал-азалдан эъзозлаб келган. Бу эзгу ишларнинг савобини эса ҳеч бир ўлчов билан баҳолаб бўлмайди. Хива хонлиги даврида ҳозиргидай йўллар қайда дейсиз. Карвон йўллари, эгри-бугри, чанг-тўзон, ўйдим-чуқур йўллар. Бу йўлларда ҳатто ҳаракатланганининг ўзи бир азоб бўлиб, ота-боболаримиз "Йўл азоби, жон азоби" деб шу йўлларга айтган бўлишса, ажабмас. От-аравада Урганчдан Тошқовузгача бўлган 70 километрлик йўлни одамлар 2-3 суткада босиб ўтишарди.



Жамоа ўртасида жонланиш бошланди. Ишчилар Ибодулла Полвоннинг Хайрбодда узок йиллар раис бўлганини яхши билишар, унинг колхоздаги иш тутимидан хабардор эдилар. Баъзилар идора энди бошлиққа ёлчи дейишса, баъзи бировлар ўзи янги келган бошлиқларнинг ҳаммаси ҳам шундай кўрқитиб гапирарди, чунки одамларнинг жилови шундагина унинг қўлига ўтади дейишарди, баъзи бировлар эса жўжани кузда санаймиз, деб кўяқолишди.

Шу кун Ибодулланинг уйқуси қочди. Узок вақтгача ухлай олмай ўйланиб ётди. Ҳўш, ишни нимадан бошлаш керак? Ўзи йўқдан бор қилиш менинг чекимга тушганим, қаерга борсам ишни янгидан бошлайман. Колхозни ҳам йўқдан бор қилдим. Энди йўл қурилиш идорасида ҳам шу ахвол. Райондаги мавжуд 137 километр йўлни кўтариш, тош ётқизиш ишлари... Бир томони техника ҳам етарли эмас.

Ишнинг терс-ўнгини билгунча бир ҳафта ўтди. Аммо обдон ўйлаб, кенгашиб қилинган ишлар ўз самарасини бера бошлади. Вазифа оғир. Асрий фақат от ва эшак араваларга мўлжалланган тупроқли йўллар. Ер билан битта бўлиб ётган сўқмоқ йўллар. Баъзи жойларини сув, баъзи жойларини пўрсанг босган йўллар. Ибодулла Хайрбоддаги Ботмоққул орқали ўтадиган йўлни кўз олдига келтирди. Йўлда тракторлар ботиб қолар, кўлнинг ҳар ёғида битта бульдозер уларни шатакка олиб чиқариб қўярди. Бундай йўллар районнинг ҳамма колхозларида бор эди.

1969-70 йилларда бутун вилоят бўйича йўлларни тартибга келтириш, кенгайтириш, паст жойларини кўтариш, трактор ва автомашиналар юриши учун мослаштириш масаласи кўндаланг қўйилди. Дастлаб Кўшқўприқ-Ғозовот йўлини қуриш ишлари бошланди. Йўл қурилиш идорасининг техникаси билан бу ишларни қилишнинг иложи йўқ. Райондаги барча колхозларнинг мавжуд техникалари ва колхозчилари бу ишга жалб қилинди. Ибодулла колхоз раислари билан уста-шоғирд эмасми, унинг бир оғиз гапини ҳеч қайсиси икки қилолмайди. Шуниси ҳам шукр.

1981 йилда Хоразмда шундай ёгингарчилик бўлдики, ҳатто ёмғир уч қунлаб тинмади. Шифер қилинмаган йўлларнинг томидан ёмғир ўтиб, хоналарнинг ичи сувга тўлди. Одамлар томлари шифер бўлганларнинг уйларидан бошлана топишди. Энди йўлларни-ку айтмасам ҳам бўлади. Ҳали тош тўшмаган тупроқли йўллар юмшаб, лойгарчиликда на одам ва на транспорт юролади.

Ёмғир тингач, Ўзбекистон ҳукумати Хоразмдаги ёгингарчиликдан талафот кўрганларга ёрдам бериш мақсадида иш бошлади. Ёппасига уйлари томи шифер қилишга киришилди. Йўллар, туман маркази ҳамда колхозларнинг ички йўлларига тош тўшаш ишлари қизғин бошланиб кетди. Бу ишларга ҳукумат томонидан ҳам яхшигина маблағ ажратилди. Шу йилнинг уч ойида ўн илгига татийдиган иш қилинди. 2500 вагон тош қабул қилиб олинди. Шовот темир йўл станциясидан машиналар ёрдамида туманга қатналарди. Ҳар куни 80-100 машина тош ташини ишлари амалга оширилди. Тош ташини тумандаги барча колхоз ва совхозларнинг ҳамда автобазанинг транспорт воситалари жалб қилинди.

Темир йўлга келган тошларни ўз мuddатида тушириш муҳим эди. Негаки, вақтида бўшатилмаган вагонлар учун темир йўл вазириги томонидан катта жарималар солинарди. Кўпгина йўл идоралари бошлиқлари ана шу вазифани тўлақонли бажара олмагани сабабли ишдан озод қилинган эди. Бунинг учун раҳбардан уюшқоқликни таъминлаш, ҳарбийчасига ишлаш талаб қилинарди. Вагон келган кун идоранинг барча ходимлари тик оёқда туриб шу ишга жалб қилинарди. Ҳатто ишчи-ҳодимларнинг уйда тўй бўлса-да, вагонни биргаликда, бир жону бир тан бўлиб туширишга мажбур эдилар.

Ибодулла Полвон туман йўл қурилиш ва таъмирлаш участкасида 1987 йилгача ишлади. Бу пайтга келиб туманининг барча йўллари анча тартибга келиб қолган, тош ётқизилиб, асфальт қилинган эди.

Ибодулла ота ишда салоҳиятли раҳбар бўлиши билан бирга, катта бир оиланинг бошлиғи ҳам эди. У турмуш ўртоғи Олияжон она Раҳимова билан 12 нафар фарзандни тарбиялаб, воға етказди. Фарзандлари ота-онасига муносиб ўғил-қизлар бўлиб етишилди. Бугун уларнинг ўзлари бобо ва моллар бўлиб, набиралар қуршовида умргузаронлик қилишмоқда.

Утганларни хотирлаб ёд этиш, улар қилган эзгу ишларни келажак авлодга ўрнат қилиб кўрсатиш биз учун ҳам қарз, ҳам фардир.

Самарқандликлар ёдидаги инсон

Кўчқор КАРИМОВ,
Ҳамза ШУКУРОВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Самарқанд вилоятининг Булунғур туманидаги Қирқшоди қишлоғи вилоят марказидан унчалик узокда эмас. Бу ерда илгари мактаб, маданият муассасалари санокли бўлган. Шу боис, ёшларга билим бериш учун кадрлар етиштирган. Лекин маърифатга интилган одамлар фарзандлари келажак ҳақида қайғуришган. Шу қишлоқнинг зиёлиларидан бири, ҳаётини халқ бахт-саодати йўлида бахшида этган тажрибали мутахассис – Абдусалом Махсумовдир.

Ҳалол меҳнати туфайли элга танилган, қатор йиллар вилоятда раҳбарлик лавозимларида фаолият кўрсатган Абдусалом Махсумов халқ ташвиши, Ватан равнақи йўлида кўп фидойилик кўрсатган. У киши ҳақида ёзилган "Инсон қадри" номли китобда болалиги, ёшлиги, Иккинчи жаҳон урушидаги иштироки, урушдан кейинги фаолияти тўғрисида батафсил фикр юртлган.


Бу ҳудудда Ватанга содиқ бўлган инсонлар сафи кенг эди, аини пайтда ҳам уларнинг давомчилари биз билан ёнма-ён эканидан қалбимиз кувончга тўлади, дилларимиз яйрайди. Шу билан бирга, Булунғурда яшаётган айрим кишилар аждодларининг аянчли ўтмиши, оғир синовларга дуч келгани ҳақида ўйлаймиз, булар энди ҳеч кимга сир эмас. Юртимиздаги эркинлик, истиқлол туфайли шонли ва мураккаб тарихимиз бугун бор бўйи билан кўз ўнгимизда жонланяпти. Қадриятларимиз қарор топиши шарофати билан инсонга, унинг қадр-қимматига муносабат тамомилан ўзгарди.

Элга нафи теккан, ҳалол турмуши билан ибрат кўрсатган кишилар хотирасини эъзозлаш борасида қилинаётган эзгу ишларнинг эса чегараси йўқ. Қаҳрамонимиз ана шундай фидокор, камтар, бошқалардан

ёрдамни аямайдиган кишилар сирасидан эди. Шу сабабдан ҳам бундайлар авлодлар хотирасидан асло қўтарилимайди, улар ҳаёти урганларида, бажарган ишларига халқ юксак баҳо беради.

Умр оқар дарё, деганларидек, ёшлигидан одамлар назарига тушиб улгурган Абдусалом бобонинг ҳаёти гўё ширин туш каби ўтиб кетди. Лекин унинг бажарган ишлари, одамларга қилган яхшиликлари, эзгулик йўлида амалга оширган қатор хайрли юмушлари унут бўлмас хотираларга айланган қолди. Бобо билан бир даврда ашаганлар уни ахши эслашади ва тилларидан бол томбиз гапиршади. Бугун бу инсоннинг жонбозликлари фарзандларига кўчган. Улар "От ўрнини той босар", деган нақлга амал қилмоқда. Эндликда фарзандлар қаторига набиралар ҳам қўшилган.

Урушда мардлик ва жасорат намуналарини кўрсатган Абдусалом Махсумов дастлаб Тошкент, сўнгра Москвада олий партия мактабиде ўқигач, Сурхондарё вилоятида ишладди. 1960 йилда ёш, серғайрат мутахассисни Булунғур тумани партия хотирасини эъзозлаш қотибмигига талинаётди. Кейинчалик туман ижроа қўмитаси раиси бўлди. Унинг тажрибаси, ташкилотчилигини ҳисобга



олиб, 1966 йилда вилоят партия қўмитаси бўлим мудиригига ўтказилди. Орадан тўрт йил ўтиб, вилоят Халқ назорати қўмитаси раиси вазифасини топишириди. У бу лавозимда 1984 йилгача фаолият олиб борди. Абдусалом Махсумов 1985 йилда 63 ёшида вафот этди. Унинг порлоқ хотира қолди. Энг муҳими, унда талаячанлик, ҳар бир ишга масъулият билан ёндашиш хислатлари устувор

бўлган. Олти нафар фарзандни воға етказиб, олий маълумотли мутахассис бўлиб етишишига астойдил интилган. Тенгдошларининг бу инсон ҳақидаги битиклари билан танишган киши одамларнинг бир-бирига бўлган ҳурмат-эътибори, ишончи тоғдек юксаклигини аниқлайди. Зеро, улар ёзиб қолдирган эсдаликлари, хотира уйғонса, гўзал эканидан далолат беради.

Бухоролик илк ўзбек комиссари

Зулфизар МАВЛОҶОНОВА, журналист.

Ҳар гал холамнинг уйда меҳмон бўлганимда, икки кўксини медаллар шодаси бегаган ҳарбий кийимдаги нуроний кишининг суратини диққат билан кўзатаман. Медалларни битталаб, қайта-қайта санаб чиқаман. Почтамдан бу медаллар қайси меҳнатлари эвазига келганини сўрайман. У эса фахр билан "Фидойлик ва Ватанга меҳр учун берилган", деб жавоб қайтаради.



Тасаввуримда ватанпарвар, бақувват ва илмли инсон гавдаланаверади. Сўнгра марта меҳмонга бораётиб, почтамнинг отаси ҳақида батафсил билиб олишни кўнглимга тугиб қўйдим ва боришим билан саволларимни бирма-бир ёғдира кетдим. Сўхбат узок давом этди. Почтам отасининг ҳаёт йўлини гоҳ кўзида ёш, гоҳ ўйчанлик билан ҳикоя қилиб берди:

– Уруш йилларида Бухоро ўзининг 55 минг 449 нафар асл фарзандини фронтга жўнатган. Шундан, 176 нафари хотин-қизлар бўлган. Уларнинг 28 минг 146 нафаригина ўз юрти бағрига қайтган холос. Оловли жанг майдонларида 27 минг 303 нафар бухоролик Иккинчи жаҳон уруши қўрбонига айланган. Эҳх... Миллионлаб оналар уларнинг соғинчи билан яшаб ўтди, минг-минг аёллару фарзандлар кўзида ёш билан қолишди. Бу уруш нафақат дунёнинг, балки ҳар бир оила, ҳар бир инсон тақдирини ўзгартириб юборган.

Вафот этганларнинг 13 минг 669 нафари фронтда қаҳрамонларга ҳалок бўлган бўлса, 13 минг 634 нафари бедарак йўқолган. Оғир йилларда 11 минг 193 нафар кексаю ёш бухороликлар фронт ортидаги машаққатли, уруш даври учун ўта муҳим бўлган ишларга жалб қилинган. Тарихий урушда миллатдошларимиз, ўзбек фарзандлари қонли жанггоҳларда жон олиб, жон беришган.

Ҳар сафар Бухорога борганимда, отам яшаб ўтган ҳовлига ошиқаман. Менинг отам Бухородан чиққан биринчи ўзбек ҳарбий комиссари – Ҳаёт Муродович Авлиёқулов. У "Ватан уруши" ордени соҳиби. Унинг жанггоҳлардаги курашлари, ҳаёт йўллари ҳақида ўйласам, кўксим ғурурга тўлади. Хонадонимиз тўрида олиб қўйилган комиссар отамнинг медаллар шодаси билан тўла ҳарбий кийимини ҳар сафар кўрганимда, гўё кўз ўнгимда қонли жанггоҳларда жон олиб, жон бераётган отам сиймоси гавдаланаверади.

Ҳаёт Авлиёқулов 20 ёшида 1942 йилнинг февраль ойида фронтга сафарбар этилган. 5 ой мобайнида Тошкент шаҳридаги миномётчи-тўпчилар махсус қисмида ўқув тайёргарлигини ўтаган.

отам ҳақида ўқир эканман, кўзларимдан беихтиёр ёш оқади. Айниқса, госпиталдан даволанаётганининг охири кунда отасига йўллаган ва бугун эса яримтагина варақда муҳрланиб, сарғайиб қолган мактубидан эзилб кетаман. Унда куйидаги сатрлар битилган: "Тўпларнинг гунбур-гунбури, авиациянинг қулоқни қоматга келтирувчи портлашлари, шовқинлари, миномет ва реактив қурималарнинг тўхтовсиз ўқ отиб туришлари, ён-атрофдаги қўзиллиб ётган мурдалар, инграб ётган ярадорлар, ўлим билан олишиб, жон бериш талвасасидаги жангчиларнинг қиёфалари, қўланса, ёқимсиз хид, тутун ва аланга, мажақланиб ётган турли техникалар кўз олдида туну-кун гавдаланади. Бу вазият мени жанггоҳда қон кечаётган дўстларим, сафдошларим учун тезроқ тузалишга ундаяпти. Отажон, ана шундай жанггоҳлар бағридан ёнингизга омон ва ҳаёт қайтаман. Чунки менга Ҳаёт, дея исмини сиз бергансиз. Онам сизга омонат. Уғлингиз Ҳаёт".

1945 йилнинг декабрида ўзи туғилиб ўсган Бухорога галаба билан қайтган Ҳаёт Авлиёқулов 1946 йилда Когон тумани комсомол комитети бўлим бошлиғи лавозимиде, 1950-1952-йилларда эса туман матбуот жамияти раиси ўринбосари бўлиб ишлаган. Ҳар томонлама пухта тажрибага эга уруш қатнашчиси 1952 йилдан бошлаб яна ҳарбий соҳага қайтган. Когон тумани ҳарбий комиссариатиде 1973 йилгача ишлаб, лейтенантликдан подполковник даражасига ҳам кўтарилган. Карман ва Кокимет туманлари, Навоий шаҳри ҳарбий комиссар лавозимларида хизмат қилган.

Тинч ҳаёт йўларида Қуролли Қучлар соҳасидаги фидокорона хизматлари ва мамлакат мудофаа қўбиллигини мустаҳкамлашдаги фидойилиги учун I, II, III даражали "Бенуқсон хизматлари учун" медалларининг соҳиби бўлган.

Сўхбатимиз сўнггида биринчи ўзбек ҳарбий комиссарининг фарзанди Нусрат Авлиёқулов, яъни почтам онаси ҳақида ҳам фахр билан куйидагиларни гапириб берди:

– Отам билан 39 йил умргузаронлик қилган онам Санобар Файзуллаева ҳам фронт ортида хизмат қилиб, "1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Галабанинг 40 йиллиги", "1941-1945 йиллардаги урушда фашизм устидан қозонилган Галабанинг 50 йиллиги", "Меҳнат фахрийси" ва "Шуҳрат" медаллари билан тақдирланган. Биз оилада бир қиз ва тўрт ўғиллик. Тўрталламиз ҳам бугун жамиятнинг турли соҳаларида меҳнат қилаямиз. Ватанга хизмат қилишни фахр деб биламиз.

Ҳаёт Авлиёқулов сингари ёшлик йилларини жанг майдониде ўтказган, соғлигини урушда бой берганлар ва бевақт вафот этганлар хўп. Бироқ, жамиятга уруш эмас тинчлик керак, халққа жанг майдони эмас оқсоғишта маконлар керак. Почтамнинг сўзлари яқун топар экан, шу ўйлар ҳаёлимдан ўтди: ҳар инсон ёшлик завқини туйсин, ҳеч бир она фарзанд доғини кўрмасин, урушлар сабаб фарзандлар етим бўлмасин. Тинчлигимиз бардавом бўлсин!

Қурувчининг собиғи бўлмайди

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Тўртқўллик Ибодулла Садуллаев эрта туриб, ўзи истиқомат қилаётган маҳаллани эринмасдан айланиб чиқиш одати бор. Бугун ҳам ана шунга амал қилиб, ҳудудни қўмлик адир билан тулаштирувчи манзил томон одимлади. Бир жойда озроқ нафас ростлаш учун тўхтаб, олисда бўй чўзиб турган саксовулларга боққанча хаёл уммонига шўнғиди.

Ўтган асрнинг олтинчи йиллари шу маҳалла ташкил қилинганда бу ерда атиги унча оила яшарди. Атрофи кўм барханлари ва саксовулзорлар ўраб олган, ҳатто кундуз кунлари ҳам ёлғиз юриш кўринган эди. Кейинчалик оилалар сони кўпайгани сари маҳалла ҳам кенгай борди. Меҳнатга яроқли кишилар янги очилган далада пахта етиштириш билан шугулланарди. Мактаб ва болалар боғчаси ўқув турсин, кундалик турмуш учун зарур бўлган савдо дўкони, ичимлик суви, электр энергияси каби бошқа шароитлар йўқлигидан бир неча километр йўл босиб, туман марказига боришга тўғри келарди.

Марказдаги мактаблардан бирига қатнаб қишда совуқ еб, баҳорда лой кечган дамларда келажакда қурилиш соҳасида ишлаб, одамларга муносиб шароитлар яратиш, кўчалар, мактаб, дам олиш масканларини қуришни ният қилгандир балки. Яхши ният, ярим давлат, деб бекорга айтишмаган экан. Мактаб таълимидан сўнг Тошкент политехника институтининг Архитектура бўлимига ҳужжат топширди ва имтиҳонларни яхши баҳоларга топшириб, талаба бўлди.

Вақт кўтиб турмас экан, олий даргоҳни битиргач, дастлабки меҳнат фаолиятини Қорақалпоғистон Республикасидаги "Қирқизсовхозводстрой" трестида ишлаб чиқиш муҳандиси вазифасидан бошлади. Мукамал билимга эга бўлган киши ҳеч қачон назардан четда қолмас экан. Ибодулла ака ўзи сингари ёшлар орасида соҳани пухта ўзлаштириб, тажрибали мутахассисларга ёндошгани учун бошқалардан ажралиб турарди. Хар қандай топшириқни аъло даражада бажариши туфайли раҳбарият назарига тушиди, мансаб погоналарини бирин-кетин босиб ўтди.

Трестда катта муҳандис, сифат бўйича муҳандис, Эллиққалъа тумани бош архитектори ва бошқа лавозимларда ишлаган йиллари зиммасига юклатилган вазифаларни сифатли ушдалади.

Муштақилик берган имкониятлар туфайли Қорақалпоғистон Республикасида истиқомат қилаётган фуқароларнинг ҳам йиллик давомидаги озуларни ушдалди. Давлатимиз томонидан яратиб берилган имконият ва шароитлар натижасида ҳудудларнинг қиёфаси тубдан ўзгариб, замон талабларига мослашмоқда. Ана шу жараёнда айниқса, қурувчи ва архитекторларнинг тажрибаси, тутган ўрни алоҳида аҳамият касб этаётди. Демократия, Ибодулла ака сингари тажрибали мутахассисларнинг изланиш ва савий-ҳаракатлари натижасида нафақат туман ва шаҳарлар қиёфаси, балки чекка ҳудуд

аҳолисининг турмуш тарзи ҳам йил сайин фаровонлашиб бормоқда.

Эллиққалъа тумани ҳокимининг Савдо-саноат, маиший хизмат, қурилиш ва турар жой, коммунал хўжалиги, транспорт ҳамда алоқа масалалари бўйича уринбосари бўлган йиллари, айтиш жоизки, Ибодулла акани мутахассис сифатида катта синовдан ўтказди. Ҳудуд ва маҳаллалар, ижтимоий объектлар, кўп қаватли турар жойлар архитектурасини тубдан янгилаш ва қайта қуриб чиқиш унинг зиммасига юклатилганди. Инсон хар қандай ишга сидқидилдан киришса, албатта, ушдалаши мумкинлигини сўнги йиллар оралигида туман кесимида амалга оширилган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари ёқдор кўрсатиб турибди. Кўп қаватли иншоотлар қаторида замонавий мактаб ва болалар боғчалари, спорт заллари, минглаб ёшларни ўз бағрига олган ишлаб чиқариш корхоналари, саломатлик марказлари, маданият масканлари ва бошқа ўнлаб объектларнинг барпо этилишида Ибодулла аканинг ҳолисона хизматлари борлигини бу ерда яшовчилар яхши билишади.

Буён - азалдан шаҳарча мақомига эга, аммо қаровсизликдан номига мос бўлмаган ҳудуд. Раҳбарият Ибодулла аканинг изланувчанлигини ҳисобга олиб, шу ерга ҳоким вазифасига тайинлайди. Қисқа даврда шаҳарча инфратузилмаси қайта яратилиб, ноқонуний қурилмалар ихтиёрий равишда буздирилди. Кўчаларга асфальт ётқизирилиб, савдо шохобчалари қурилди ва барча хонадонлар марказлашган ичимлик суви билан таъминланиб, ихчам ишлаб чиқариш корхоналари ишга туширилди. Эътиборсизликдан абгор ҳолга келиб қолган кўп қаватли турар жойлар реконструкция қилиниб, аҳолига зарур шароит яратилди.

Унинг кейинги йиллардаги фаолияти бевосита Қорақалпоғистон Республикасининг Эллиққалъа тумани архитектура ва қурилиш бўлими бошлиғи - бош архитектор вазифаси билан боғланди. Ҳудудни ривожлантириш бўйича имконият ва табиий-географик шароитларни ҳисобга олиб, унинг бош режасини ишлаб чиқишда фаол иштирок этди. Янгидан бунёд этилган бино ва иншоотларнинг замонавий архитектура талабларига мувофиқ қурилишида бош-қош бўлди. Бу жараёнда қишлоқ аҳоли пунктларининг бунёд режа асосида қурилишига жиҳдий эътибор қаратиб, турар жой ва хизмат кўрсатиш шохобчаларининг аҳоли талабларига мос жиҳлаштирилишини таъминлаш юзасидан аниқ чораларни кўрди.



Шундай ҳаракатлар натижасида сўнги олти йилда туманда ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган бир қатор объектлар қурилди. Жумладан, 3500 кишилик Санъат саройи, 3000 ўринли Амфитеатр ва унинг атрофида очик осмон остидаги музей мажмуасининг миллий архитектура услублари билан уйғунликда қад кўтарилганига муносиб ҳисса қўшди. Бундан ташқари, 20 минг ўринга мўлжалланган мажмуаий уйғунлик, академик лицей, 6 та коллеж, "Агробанк"нинг тўққиз қабатли мажмуаий кўп қаватли бино ва супермаркет, деҳқон бозори, "Эллиққалъа" темир йўл вокзали, "Элтекс" тўққиз қабатли комплексини лойиҳалаштириш ва сифатли битказилишида фаол иштирок этди.

Шунингдек, Президентимизнинг қишлоқ инфратузилмасини яхшилаш, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш борасидаги қатор фармонлари ижросини таъминлаш юзасидан у раҳбарлик қилаётган жамоа ташаббуси билан ўтган даврда 8 та массивда 500 та намунавий турар жой лойиҳаси тайёрланди. Шу асосида 6 та жойда гузарлар қурилди. Тумандаги деярли барча мактабларнинг реконструкциясида ҳам жамоанинг бениннат хизматлари сезилиб туради. Замонавий муқима

мактаби, маданият маркази биноси, 85 километрдан ичимлик суви тармоғи тортилиши ва 97 километр табиий газ узатиш тармоқлари, 17 километрда Бўстон-Чайка магистраль газ тармоғи, "Орол болалари" ўқув-соғломлаштириш маркази, Бўстон шаҳарчасидаги ёпиқ сузиш бассейнига эга спорт соғломлаштириш маркази каби катта ҳажмдаги бошқа иншоотлар бунёд этилиб, фойдаланишга топширилди.

Халқимизда, "Ақл эса эмас, бошда", деган ибратли ҳикмат бор. Ибодулла Садуллаев яқинда 72 ёшни қаршилади. Уйлаб қаралса, умрининг 45 йилини қурилиш ва бунёдкорлик соҳасига бағишлабди. Аммо у бундан пушаймон эмас, аксинча, шу соҳа этагини маҳкам тутиб, рўзгор тебратганидан ва лойиҳаларни асосида турли иншоотлар қад ростлаб, элга наф келтираётганидан қувонади. Бу шижоат ва дадиллик унинг доимо ишонаси сари чорлаб, ҳудудларни янада обод қилишга ундайди.

Ортимизда ўтказилаётган ислохотларга ҳамоҳанг тарзда инсонларга наф келтиришни асосий мақсадига айлантирган Ибодулла ака каби фидойи инсонлар бор экан, ҳеч қачон ҳеч қимдан кам бўлмаймиз.

Вақт ва чегара билмас касб

Қурувчилик - оғир меҳнати, вақт ва фасл танламаслиғи билан бошқа касблардан ажралиб туради. Бу касб эгалари қишнинг қиروي кунларида ҳам, жазирама иссиқда ҳам ўз ишини пухта бажаришга интилишган. Шунинг учун ҳам одамлар "Қурувчининг нони қаттиқ, бироқ тотли бўлади", - дейишади. Бу эса, ҳақиқатан ҳам тўғри ўхшатишдир. Ўз даврининг оғир шароитларига қарамай, юртимиз бунёдкорлигига ҳисса қўшганларнинг аксарияти аини пайтда нафақа гаштини сурмоқда. Шогирдлари, ҳамкасблари улар билан фахрланишади, доимо ёд этишади. Қувонарлиси, бугунги кунда улардан касб сирларини ўрганган шогирдлари ҳудудларни ободонлаштириш, турар жойлар, маъмурий бинолар ва бошқа объектларни бунёд этишда фаол қатнашиб, халқимизнинг эътирофига сазовор бўлишмоқда.

Жиззах вилоятида камол топган меҳнат фахрийси Собиржон Исоқов ҳам узоқ йиллар шу соҳада ишлаган ва юзлаб шогирдлар тайёрлаган фахрийлардан бири. У кишининг ёшлиғи қақраб ётган чўлини ўзлаштириш даври билан чамбарчас боғланган. Уша кезларда нафақат ер очиб, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, балки Самарқанд ва Жиззах вилоятининг тоғли ҳудудларидан кўчиб келган оилалар учун турар жойлар қуриш ҳам асосий масалалардан бири эди. Урта мактабни битиргач, Собиржон ака вилоят марказида янги ташкил этилган қурилиш корхонасига ишга кириб, устоз-шогирд аҳъанасига қўра тажрибали бетончи Холмурод Рафиқовга шогирд тушди.

Тажрибали мутахассисдан касб сирларини мукамал ўзлаштирган шогирд ҳеч қачон кам бўлмади. Собиржон ака устози бошчилигида Дўстлик, Пахтакор, Мирзачўл, Арнасой каби туманлар ҳудудида кўп квартиралар уйлари, дала шийпонлари, мактаб ва болалар боғчалари, йўллар, шунингдек, бошқа объектларни қуришда фаол қатнашиб, соҳани пухта эгаллаши баробарида Тошкент политехника институтининг Жиззах филиалига ўқишга кириб, фанларни ўзлаштириш қаторида соҳага оид янгиликлардан ҳам бохабар бўлиб боришни унутмади.

Қурувчи технолог-муҳандис мутахассислиги бўйича диплом олган, вилоятдаги "Облкомхозстрой" трестига қарашли 121-, 103- ва 178-МПМҚларда фаолият кўрсатган кезлари иншоотнинг пойдеворидан тортиб, лойиҳалаш жараёнига пухта ўрганишга ҳаракат қилди. Шу аснода қаерда, қандай материал қўлланилса, бино мустаҳкам ва ташқи таъсирларга чидамли бўлишига эътибор қаратди. Уша кезлари вилоятда ягона ҳисобланган ва қурилишда учун бетон плиталар ишлаб чиқарадиган ДКСМ-1 корхонаси зарур материалларни объектларга ўз вақтида етказиб беришда оқсаб қолган эди. Аҳолини ўнлаш ва материаллар сифатини яхшилаш мақсадида раҳбарият бу ерга Со-

биржон акани инженер-технолог вазифасига тайинлади.

Янги корхонада хом ашё етказиб берадиган ташиқотлар билан тузилган шартномалар талабларига қатъий амал қилиб, ишлаб чиқариш кўлимини кенгайтиришга, маҳсулот таннаҳини арзонлаштиришга ҳаракат қилиб, маҳсулот сифати яхшиланишига эътибор қаратди. Бу савий-ҳаракатлар туфайли биринчи йилдаёқ харажатлардан ташқари, соф даромад кўтилганидек бўлди. Бунинг натижасида йил якунида ишчи-ходимлар илк бор олий маошига қўшимча моддий рағбатлантирилди. Моддий манфаатдан руҳанган ишчи-ходимларнинг меҳнатга муносибати ўзгаргани эса қўшимча цехларни ишга туширишга имкон берди.

Қурилишларда зуваласи пишган, тажриба ортирган Собиржон ака кейинчалик вилоят уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси Кўп квартиралар уйлари фонднинг техник ҳолатини мониторинг қилиш бўлимида бош мутахассис вазифасида ишлади. Фаолияти давомида соҳадаги муаммоларнинг келиб чиқиши ва уларни бартараф қилиш юзасидан кўплаб тақлифларни билдирди.

Собиржон ака 2019 йилда Жиззах вилояти уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармасининг Кўп қаватли уй-жой фондини ривожлантириш бўлими бошлиғи лавозимидан нафақага чиққандан кейин ҳам оёқ ушдаги ётадиганлар тоифасидан эмаслигини амалда кўрсатмоқда. Деярли хар кунни Шароф Рашидов туманида бунёд этилаётган "Янги Ўзбекистон" массивига боради. Чунки бу ерда қад ростлаётган иншоотларда ўзи тарбиялаган кўплаб шогирдлари меҳнат қилишмоқда. Улар бажарган ишларга эътибор бериб, камчиликлари бўлса, уларни бартараф этиш бўйича тақлифларини беради. Ўз навбатида, шогирдлар шундай бағрикенг устоздан касб сирларини ўрганишдан миннатдор.

Ўз мухбирининг.

Jasorat va ezgu ishlar hamisha mangudir

Dilnara SHAMAYEVA.

Toshkent davlat yuridik universiteti Axborot-resurs markazi xodimi, 3-darajali yurist.

Butun dunyoda millionlab insonlarning qurbon bo'lishiga sabab bo'lgan, mislsiz yo'qotishlar, talafot va musibatlar olib kelgan Ikkinchi jahon urushi bashariyat tarixidagi eng dahshatli, qonli qirg'in bo'lgani tufayli oradan qancha yillar o'tsada, dunyo ahli bu fojiani hech qachon unutmaydi. Ko'p millatli tinchliksevar O'zbekiston xalqi uchun fashizm ustidan g'alaba qozonilgan 9-may sanasi Xotira va qadrlash kuni sifatida aziz va mo'tabardir.

Toshkent davlat yuridik universiteti axborot-resurs markazidagi faoliyatim taqozosi bilan ARMDa bir qator adabiyotlarni mutolaa qilaman. Yaqinda ham "O'zbekiston Ikkinchi jahon urushi davrida" nomli kitobni varaqlay turib, ko'ksimda allaqanday og'riq his qil-dim. Meni juda qiziqtirgan qahramon mard va jasur ayol Anvara Muharramova bo'ldi.

U 1933-yilda Zebiniso maktabini, 1936-yilda Y. Oxunboboyev nomidagi tibbiyot texnikumini a'lo baholar bilan tugatib, Toshkent davlat tibbiyot institutiga o'qishga kiradi. 1941-yilda oliy-gohni tugatib, shifokorlik faoliyatini ushbu institutning asab kas-alliklari klinikasida ordinatorlikdan boshlaydi. 1941-yilning dekabr oyida frontga safarbar qilindi. 1942-yilning fevral oyidan to 1945-yil dekabr gacha 13-armiyaning 148-diviziyasi tibbiy sanitariya batalyonida jarroh bo'lib xizmat qiladi. 1941-yilda Anvara Muharramovadan tashqari Muharramovlar oilasining yana uch farzandi urushga ketgan. Bular - akalari Vali va Iskander hamda 25 yoshida vafot etgan eng katta akasi Abdurahmon Muharramovning yagona o'g'li Rafkat Muharramovdir. Ulardan faqat Iskander Muharramov (1912-1991) frontdan qaytgan.

Anvara Muharramova Ukraina frontlarida avvaliga mudofaa, so'ngra hujum operatsiyalarida faol ishtirok etadi. Yaralangan askar-larga tibbiy yordam ko'rsatib, ularning tezda davolanib, yana jan-govar safaga qaytishlarida, fashizmga qarshi kurashayotgan ofitser va jangchilarni omon qolishlarida jonbozlik ko'rsatadi. Anvara Muharramova urushni Belorussiya fronti tarkibida yakunladi. G'alaba ku-nini tibbiyot xizmati kapitani sifatida Praga shahrida kutib oldi.

Bir qator orden va medallar bilan taqdirlanishi urush boshlanga-nida endigina 23 yoshga kirgan yosh qizning sinovli yillarda ko'rsat-gan jasoratidan dalolatdir. Anvara Muharramovanning urush davrida tutgan kundaligi saqlangan. Kundalik 1942-yilning 6-apreldan, ya'ni 23 yoshga to'lgan tavallud kunidan boshlanib, 1945-yilning 12-yan-varida yakunlangan. Undagi ilk yozuvlar quyidagicha: "Hozirgina



Anvara MUHARRAMOVA

Livnadan Korotish qishlog'iga yaralanganlar bilan birga chanalarda keldik. Yo'lda birinchi bor harbiy to'qnashuv sodir bo'ldi, ya'ni nemis samolyoti bilan to'qnash keldik. Mana front, qayerdadir portlagan snaryadlar ovozi eshittilyapti... Egnimga paltoni ustidan shinel va quloqchin kiyganman... Qishloq nemislar tomonidan vayron qilin-

gan va yoqib yuborilgan, uylarning tomi ham, oynalari ham yo'q... Klinikadagi zo'r sharoitdan keyin, bu yerdagi operatsiya xonasi va bog'lov xonasi juda hayron qoldirdi... Stalino qishlog'iga ketyapmiz. Aholiga o'zining O'zbekistonim, urf-odatlarimiz haqida so'zlab berganimda, katta qiziqish bilan tinglashadi".


Darhaqiqat, 1944-yilning bahorida Lvovni ozod qilish uchun boshlangan janglar paytida aka-singil Anvara va Iskander urushda uchrashib qolishadi. Urush davomida qur kechib, necha o'limgan omon qolgan ikki jigabandning uchrashuvi qanchalik quvonchli voqea bo'lganini tasavvur qilish mumkin. Bu katta voqea haqida Anvara urush kundaligida ikki so'z bilan ifoda qoldirgan: "Iskander keldi". Bu uning urush tufayli har kuni o'lim bilan ro'baro' kelgan, yaradorlarning jarohatini davolab, ularni yana jangga, balki o'limga yo'llashga majbur bo'lgan, hali yosh va navqiron qizning qalbi ortiqcha hissiyotlardan holi, naqadar vazminlashgan va kamgar bo'lib qolganidan dalolatdir balki.

G'alabadan so'ng Anvara Muharramova shifokorlik faoliyatini o'ziga qadrdon bo'lgan Toshkent davlat tibbiyot institutining asab kasalliklari klinikasida ordinator bo'lib davom ettirgan. Keyinchalik asab kasalliklari kafedrasida assistenti lavozimida ishlab, o'zining boy bilim va frontda orttirgan tajribasini yuqori malakali kadrlarni tayyorlash jarayonida amaliyotga qo'lladi. O'z faoliyati bilan nevrologiya ilmi rivojlanishiga salmoqli hissa qo'shdi.

1957-yilning 27-oktabr kuni professor L. Y. Shargorodskiy rah-barligida nomzodlik dissertatsiyasini himoya qildi. 1964-1974-yil-larda Toshkent davlat tibbiyot instituti asab kasalliklari kafedrasida dotsent lavozimida pedagogik, ilmiy va davolash ishlari bo'yicha faoliyat yuritdi. 1970-yillarda frontda olgan eski jarohatlar va yurak xastaligi bezovta qila boshlagach, 3-guruh nogironligi bilan na-faqaga chiqdi. Lekin o'zining shifokorlik faoliyatini 1982-yilga qadar vrach-nevropatolog sifatida Pediatriya institutida, hozirgi Buyuk Ipak yo'li ko'chasidagi Markaziy kasalxonada davom ettirdi. Anvara Muharramova 2009-yilda 90 yoshda vafot etdi.

Men bu ayolni hayot so'qmoqlarini qiziqish bilan o'qir ekan-man, ko'zimga yosh keldi va jasoratli ayol timsolida Anvara Muharramovani ko'ra oldim. Biz yoshlar hozirgi tinch-totuv va mustaqil davlatda yashayotganimiz uchun shukrona keltirishimiz lozimligi-ga yana bir bor amin bo'ldim.

Darhaqiqat, 9-may - Xotira va qadrlash kuni deb e'tirof etilgan kun bizning tinchligimiz uchun jangga otlangan 2 millionga yaqin o'zbekistonliklarning 500 mingdan ziyodi halok bo'lganini xal-qimiz aslo yodidan chiqarmaydi. Zero, jasorat va ezgu ishlar hamisha mangudir.





ЗИЛЗИЛАБАРДОШ ИНШООТЛАР БАРПО ЭТИШДА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

Абдурахим ҚАХҚАРОВ, Наманган муҳандислик-қурилиш институтининг Саноатни ахборотлаштириш факультети декани, доцент.

Яқинда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Био ва иншоотларнинг зилзилабардошлигини ошириш ҳамда сейсмик хавфни мониторинг қилиш фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-161-сонли қарори эълон қилинди. Бу қарор бугунги кунда долзарб аҳамиятга эга, десак муболаға бўлмайди. Чунки дунёда бўлаётган зилзилалар, уларнинг салбий оқибатлари, инсонларнинг ҳаётига зомин бўлиши ҳеч биримизни бефарқ қолдирмаслиги аниқ.



Узоққа бормаймиз, 2023 йил 6 февралда Туркиянинг жанубий ва марказий қисмида ҳамда Суриянинг ғарбий қисмида зилзила содир бўлди. Газивентеп шаҳридан 34 км (21 ми) ғарбда Туркия вақти билан соат 04:17 да (UTC 01:17)да содир бўлган зилзиланинг магнитудаси камида 7,8 ва максимал Мерсали интенсивлиги ХИ (экстремал), ғайриоддий кучли 7,7 магнитудали иккинчи зилзила асосий силкинишдан тўққиз соат ўтгач содир бўлди. Зилзила маркази Қахраманмараш вилоятининг шимолий шимоли-шарқидан 95 км (59 ми) узоқликда жойлашган. Зилзила минтақада кенг қўламли вайронагарчилик ва минглаб одамларнинг ўлимига сабаб бўлди. Асосий зилзила туфайли етказилган талафотлар буйича Туркия тарихида содир бўлган энг кучли зилзила бўлиб, ҳатто 1939 йилги Эрзинсан зилзиласини ҳам ортада қолдирди. Худди шундай магнитудали зилзила 1668 йил Шимолий Анадолуда бўлган эди.

Зилзила, шунингдек, 1822 йилдан буён Сурияда содир бўлган энг ҳалокатли зилзиладир. Мазкур зилзила 2010 йилда содир бўлган Гаити зилзиласидан бери дунёда энг ҳалокатли зилзила, шунингдек, Левантда кайд этилган энг кучли зилзилалардан бири ҳисобланади. Зилзила кучи Исроил, Ливан, Кипр ва Туркиянинг Қора денгиз соҳилларигача сезилиб, тизимли зарар етказди. Зилзиладан кейин 2109 дан ортиқ афтершоқлар кузатилди. Сейсмик кетма-кетлик ёриқларнинг саёз сурилиши натижасида юзага келган. 18 февраль ҳолатига қўра, жами 47 100 дан ортиқ ўлим қайд этилган. Бундан Туркияда 40 600 нафар, Сурияда эса 6 400 нафар. Зилзи-

ла тахминан 84,1 миллиард АҚШ доллари миқдорида зарар келтириб, тарихда кайд этилган энг қimmat табиий офатлардан бирига айланди.

2024 йил 1 январь кунни Япониянинг ғарбий соҳилларида ҳам бир қатор кучли зилзилалар содир бўлди. Зилзила натижасида уйларга зарар етган ва цунами хавфи эълон қилинди. Япония Метеорология агентлиги (JMA) Япониянинг Хонсю ороли ғарбий томонидаги Ното минтақасида маҳаллий вақт билан соат 16:06 да 5,7 магнитудали силкинишдан бошланган жами 20 га яқин зилзилалар содир бўлгани ҳақида хабар берди. Янги йил кунни юз берган табиий офат Ишикава префектурасида камида 168 кишининг ҳаётига зомин бўлган, яна 660 дан ортиқ одам жароҳатланган ва 323 нафар одам бедарак йўқолган. Етти қаватли бино ён томонига қўлаб тушган. Сузу шаҳридаги ибодатхона бутунлай вайрон бўлган. Қишлоқларда тўғри ҳаракатланиш қондалари олинган ўргатилди. Бундан ташқари, Японияда Wi-Fi тармоғига бепул улангани таъминловчи нуқталарга уланши йўлга қўйилган. Бу эса, ўз навбатида, фуқароларнинг зилзила вақтида тўғри ҳаракатланиши ўрганишларида мустақил таълим олиш имкониятини янада оширади.

Юқоридаги мисоллардан келиб чиқиб таъкидлаш лозимки, зилзила қачон ва қаерда бўлишини олдиндан аниқ айтиб бўлмайди. Бу жараёнга доим тайёр туриш зарур. Бу соҳада республикада олиб борилаётган ислохотларни юқори даражада амалга оширишга эришиш учун бугунги кунда барча бирдек масъул ҳисоб-

ланати. Ҳар бир инсон зилзиладан олдин, зилзила вақтида ва зилзиладан кейин қандай ҳаракатланиши буйича билим кўнчаларига эга бўлиши шарт.

Президентимиз томонидан имзоланган юқоридаги қарорнинг тегишли бандлари таълим ташкилотлари, айниқса, олий таълим ва олимлар зиммасига катта вазифалар юқлайди. Бу буйича махсус йўл харитаси ҳам тасдиқлангани фикримизнинг исботидир. Жумладан, био ва иншоотлар ҳудудларнинг сейсмик фаолиятига мувофиқ равишда қурилишни ташкил этиш мақсадида минтақавий акселерограммаларни рақамлаштириш ҳамда уларнинг онлайн базаларини шакллантириш, ҳудудларнинг зилзилага тайёргарлик кўриш режаларини тасдиқлаш ва қонунчилик мувофиқ, ушбу режа асосида аҳолини зилзилага тайёрлаш ишларини ташкил этиш вазифалари қўйилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Бундан кўриниб турибдики, рақамлаштириш орқали иш самарадорлигини яхшилаш, аҳолининг зилзилага

оид билимларини ошириш нақадар зарурлиги белгилаб қўйилмоқда.

Республика ҳудудида бўлаётган зилзилалар мониторинги, уларнинг илмий таҳлили ва фаол тектоник ер ёриқларининг ҳаракатлари орқали яқин келажакда қўлаб кўйилган кучли зилзила хавфи бор ҳудудларни аниқлаш амалиётини йўлга қўйиш юзасидан йўл хатирасининг 3-бўлимида “Сейсмик хавфсизлик соҳасини рақамлаштириш ва ахборот коммуникация технологияларини кенг жорий этиш”нинг белгилаб қўйилгани биз олимлар олдида ҳам катта вазифалар қўяди. Йўл харитасида ҳар бир ҳудуд буйича алоҳида вазифа ва топшириқлар белгилаб қўйилган. Жумладан, Наманган вилоятидаги таълим ташкилотларида сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасида фаолият юритувчи илмий-тадқиқот институтларининг олимлари ва малакали мутахассисларни жалб қилган ҳолда давра суҳбатларини ташкил этиш назарда тутилган. Демак, вилоятдаги мавжуд олий таълим ташкилотларига

тегишли 514 та Pasportbino.uz платформасига киритилган био ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини назорат қилиб боришда олимларнинг тажрибалари ва билимлари қанчалик муҳимлигини англаш мумкин.

Бугунги кунда Наманган муҳандислик-қурилиш институтининг Саноатни ахборотлаштириш факультети олимлари томонидан айнан сейсмик, зилзилабардошлик йўналиши буйича қўлаб ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2022-2023 ўқув йилида 2 та 400 млн сўмлик амалий лойиҳалар бажарилиб, амалиётга татбиқ этилди. 2023-2024 ўқув йилида ҳам 2 та 1 млрд 200 млн сўмлик амалий лойиҳалар бажарилиш жараёнида. Қарорда белгиланган вазифаларга қаратилган “Якка тартибдаги уй-жойларни лойиҳалашда зилзилабардошликни таъминлаш учун био ўлчамлари ва грунт маълумотларига асосланган ҳолда био конструкциянинг асосий элементларини ҳисобловчи дастурий таъминот яратиш” ва “ҚМҚ 2.01.03-19 “Сейсмик ҳудудларда қурилиш” меъёрий ҳужжатига келтирилган ҳудуднинг қабул қилинган сейсмиклиги ва сейсмик таъмирининг такрорийлиги кўрсатилган, сейсмик ҳудудларда жойлашган Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларининг рақамлаштирилган онлайн электрон харитасини яратиш” лойиҳалари 2024 йил сўнггига қадар якуланиб, амалиётга жорий этилиши кўзда тутилган.

Хулоса сифатида, бу лойиҳаларни реал ҳаётга жорий этилиши аҳоли хавфсизлиги ҳамда давлатимиз иқтисодий ва ғўйини муносиб ҳиссасини қўшади. Бундан ташқари, рақамлаштириш бугунги кунда барча соҳалардаги каби сейсмик, зилзилабардошлик соҳаларида ҳам ўзининг самарасини бераётганлигини кўриш мумкин. Зеро, институтимиз олимлари давлат ва жамият манфаати йўлида барча билим ва тажрибаларини сафарбар қилишга доимо тайёр.

САМАРҚАНДДАГИ МОДДИЙ-МАДАНИЙ МЕРОС ОБЪЕКТЛАРИНИНГ ҲОЛАТИ ҚАНДАЙ?

Маъмуҳдон ЮНУСОВ, Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси бош муҳофизи.

Ҳозирда Ўзбекистон буйича моддий-маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари 8 360 тадан ортиқ бўлиб, шундан, археология ёдгорликлари сони 4 748 та, архитектура ёдгорликлари 2 252 та, монументал санъат ёдгорликлари 678 та, диққатга сазовор жойлар 532 та. Маданий мерос обидаларининг энг кўпи Самарқанд вилоятида (1 611 та) бўлса, энг ками Сирдарё вилоятида (82 та).

Кейинги йилларда моддий-маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, илмий ўрганиш, улардан оқилона фойдаланиш, юртимизнинг сайёҳлик салоҳиятини оширишда уларнинг ўрни ва аҳамиятига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 2018 йилгача маданий меросга оид 2 та қонун ҳужжати амал қилган бўлса, 2018 йилдан соҳага доир 2 та қонун, 3 та Президент қарори ва фармони, 4 та Вазирлар Маъжасини қарори қабул қилинди.

Мазкур қонун ҳужжатлари асосида кейинги йилларда моддий-маданий мерос объектларини келажак авлодга етказиш, авария ҳолатидаги ва таъмирталаб, йўқолиб кетish хавфи мавжуд объектларни реставрация ва консервация қилиш, муҳофаза ҳудудларини белгилаш, улардан фойдаланишда фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, тарихий объектларни сақлаб қолишда хорж тажрибасини амалиётга қўлаш каби муҳим тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, вилоятимизда бугунги кунда моддий-маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари миллий рўйхатига киритилган 1 611 та маданий мерос объекти мавжуд. Шундан, 1 011 таси республика аҳамиятидаги ва 600 таси маҳаллий аҳамиятидаги объект ҳисобланади. Самарқанд шаҳрининг тарихий маркази 1 123 гектарни ташкил этиб, муҳофаза этиладиган зонаси 1 369 гектардан иборат. 2001 йилда ЮНЕСКО умумжаҳон мероси кўмитасининг Финляндиянинг Хельсинки шаҳрида бўлиб ўтган 25-сессиясида тарихий марказ “Самарқанд – маданиятлар чорраҳаси” номи билан умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган.

2023 йил 10-25 сентябрь кунлари Саудия Арабистонининг Ар-Риёд шаҳрида ЮНЕСКО умумжаҳон мероси кўмитасининг 45-сессияси бўлиб ўтди. Сессия давомида Буюк ипак йўлининг Зарафшон – Қорақум йўлига Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилди. Ўзбекистон “Буюк ипак йўлининг Зарафшон-Қорақум коридори” номинациясини

тақдим этиш буйича лойиҳа координатори сифатида иштирок этди. Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган “Ипак йўли Зарафшон-Қорақум йўли” уч давлатда жойлашган 31 та объектдан иборат. Булардан 9 таси Тожикистон, 15 таси Ўзбекистон ва қолганлари Туркманистон ҳудудида жойлашган. Маълумотимиздаги 15 та обиданинг 4 таси – Жартепа оташпарастлар ибодатхонаси, Сулаймонтепа, Кофирқалъа кўргони, Добусия кўргони вилоятимиз ҳудудида жойлашган.

Албатта, тизимда ютуқлар билан бирга ҳал этилиши керак бўлган муаммолар ҳам талайгина.

Аввало, Моддий-маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари миллий рўйхатини қайтадан кўриб чиқиш ва зарур тузатишларни амалга ошириш лозим. Моддий-маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари миллий рўйхатининг ҳукумат қарори даражасида тасдиқланиши катта воқеа бўлди. Бу ҳам мустақил бўлганимиздан кейин, орадан 28 йил ўтиб, 2019 йилда тасдиқланди. Бироқ рўйхатда жуда кўп чалкашлиklar мавжуд. Бу эса рўйхат эълон қилинганидан кейин моддий-маданий мерос объектларида олиб бориладиган ишларда қийинчиликлари келтириб чиқармоқда.

Хусусан, Самарқанд шаҳри, Регистон кўчаси, 3-“А” уйда жойлашган, миллий рўйхатга ўсмадта мадрасаси номи билан киритилган мадраса аслида Дўстматбой мадрасаси (Дўстматбой Бахмал туманидаги ўсмад шаҳарчасидан бўлган) тарзида киритилиши керак эди. Бундай ҳаттоликлар археологик обидаларда жуда кўп учрайди. Қоратепа Қизилтепа, Қизилтепа Сариктепа шаклида миллий рўйхатга киритилган. Мазкур археологик объектлар ўтган асрнинг 30-йилларида бошлаб илмий муомалага киритилган ва қўлаб адабиётларда кайд этилган.

Миллий рўйхат шоша-шошарлик билан, объектларни жойига чиқиб кўздан кечирмасдан, ўтган асрнинг 30-50 йилларидаги рўйхатларга қараб тузилган ҳоллар ҳам мавжуд. Натижада аслида ўтган



асрнинг 90-йилларига қадар йўқ бўлиб кетган археологик объектлар ҳам рўйхатга киритилган. Шу билан бирга, миллий рўйхатга киритилмасдан қўлаб кетган моддий-маданий мерос объектларининг сони ҳам дастлабки ҳисоб-китобларга кўра 200 га яқини ташкил этади. Уларни ҳам миллий рўйхатга киритиш ва шу орқали сақлаб қолиш зарур.

Моддий-маданий мерос объектларининг ягона электрон базаси шакллантирилмагани ҳам катта муаммоларни юзага келтирмоқда. Дунё тажрибасида кўриладики, барча моддий-маданий мерос объектларининг электрон базаси юритилади ва у барча учун очик. Ягона электрон базанинг юритилиши соҳада бажарилаётган ишларнинг шаффоқ бўлишини таъминлайди ва жамоатчилик назоратини ҳам оsonлаштирилади.

Моддий-маданий мерос объектларини рақамлаштириш ва сақлаш ҳолати далолатномаларини тузиш зарур. Махсус фотодорлар ёрдамида ҳар бир объектнинг уч ўлчами фотоси олинади. Ушбу фотого объектнинг жорий ҳолати эзна равишда илова қилинади. Натижада моддий-маданий мерос

объектларини вақтинча сақлаб турган ташкилотлар, хусусий мулк эгалари, умуман, жавобгар шахсларнинг масъулияти ошади.

Шу билан бирга, вақти-вақти билан объектлар хатловдан ўтказилганда сақлаш ҳолати далолатномаларидаги фотоси ва тасвифи билан солиштирилади. Моддий-маданий мерос объектларининг кадастр ҳужжатларини шакллантириш ишларини охирига етказиш зарур. Айни вақтда Самарқанд вилоятида моддий-маданий мерос объектларининг 90 фоизидан ортиги (1467 та) ўз кадастр паспортига эга.

Моддий-маданий мерос объектларининг барчасида муҳофаза белгилари ўрнатиш, атрофини ўраш керак. Бу айниқса, археологик объектларга тааллуқлидир. Айни вақтгача вилоятдаги моддий-маданий мерос обидаларининг ярмида муҳофаза белгилари ўрнатиш, холос.

Вилоятимиздаги мавжуд 1 611 та моддий-маданий мерос объектларидан 130 таси йўқолиб кетish хавфи остида турибди. Тез фурсатда мазкур объектларнинг бирламчи консервация ишларини амалга ошириш лозим.

Шунингдек, вилоятимиздаги 60 га яқин археологик мероси объектлари ҳалгача қабристон сифатида ишлатилмоқда. Бу эса мазкур объектлардаги юқори маданий қатламларнинг йўқ бўлиб кетишига, олимларнинг эса нотўғри илмий хулосаларига сабаб бўлади. Қабристонлар учун алоҳида жой ажратиш, археологик тепалиқлар қабристон сифатида фойдаланишни тўхтатиш лозим.

Хулоса сифатида айтиш лозимки, моддий-маданий мерос объектларини рақамлаштириш, миллий рўйхатга тузатишлар киритиш, ягона электрон базасини юритиш ишлари кенг жамоатчилик олим ва мутахассислар иштирокида амалга оширилиши лозим. Шу билан бирга, мазкур жараёнларга хоржий ва маҳаллий грант маблағларини жалб этиш яхши самара беради. Моддий-маданий мерос объектларини сақлаш билан боғлиқ ишлар молиявий кўмакис бўлмайди, албатта. Кейинги йилларда ҳукуматимиз томонидан мазкур соҳага ажратилаётган маблағ йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Бунга маҳаллий ҳокимликлар ҳам ўз ҳиссасини қўша, соҳадаги муаммолар анча камайган бўлар эди.

ТАДБИРКОРЛАР ВА САРМОЯДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

“ZAMONAVIY REALTOR XIZMATI” MЧЖ

очиқ танлов савдоларига таклиф этади!

“ZAMONAVIY REALTOR XIZMATI” MЧЖ томонидан ташкил этиладиган очиқ танлов савдоларига “Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖнинг 2024 йил 7 майдаги 348-сонли буюртманомасига асосан, “Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖ ҳудудида жойлашган савдо шохобчаларининг ижарага олиш ҳуқуқи кўйилмоқда:

№	Савдо шохобчаларнинг асосий тавсифлари	Бошланғич баҳоси, сўмда
1	9-1-13а сонли, умумий майдони 23,50 м² бўлган савдо шохобчаси	89 300 000
2	9-1-14а сонли, умумий майдони 23,50 м² бўлган савдо шохобчаси	89 300 000
3	9-1-15а сонли, умумий майдони 23,50 м² бўлган савдо шохобчаси	89 300 000
4	9-1-16а сонли, умумий майдони 7,50 м² бўлган савдо шохобчаси	28 500 000
5	9-1-17а сонли, умумий майдони 7,50 м² бўлган савдо шохобчаси	28 500 000
6	9-1-18а сонли, умумий майдони 23,50 м² бўлган савдо шохобчаси	89 300 000
7	9-1-19а сонли, умумий майдони 15,00 м² бўлган савдо шохобчаси	60 000 000
8	9-1-20а сонли, умумий майдони 15,00 м² бўлган савдо шохобчаси	60 000 000
9	9-1-21а сонли, умумий майдони 15,00 м² бўлган савдо шохобчаси	60 000 000
10	9-1-22а сонли, умумий майдони 15,00 м² бўлган савдо шохобчаси	60 000 000
11	9-1-23а сонли, умумий майдони 15,00 м² бўлган савдо шохобчаси	60 000 000
12	9-1-24а сонли, умумий майдони 15,00 м² бўлган савдо шохобчаси	60 000 000
13	45-9 сонли, умумий майдони 8,0 м² бўлган савдо шохобчаси	44 000 000
14	40-12 сонли, умумий майдони 3,50 м² бўлган савдо шохобчаси	19 250 000

№	Савдо шохобчаларнинг асосий тавсифлари	Бошланғич баҳоси, сўмда
15	45-10 сонли, умумий майдони 12,0 м² бўлган савдо шохобчаси	66 000 000
16	45-11 сонли, умумий майдони 12,0 м² бўлган савдо шохобчаси	66 000 000
17	45-12 сонли, умумий майдони 12,0 м² бўлган савдо шохобчаси	66 000 000
18	45-13 сонли, умумий майдони 12,0 м² бўлган савдо шохобчаси	66 000 000

Савдода иштирок этиш истагини билдирган талабгорлардан аризалар ушбу хабарнома чоп этилган санадан бошлаб расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Таклифларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2024 йил 10 июнь кунли соат 16.00 гача.

Талабгорларнинг таклифлари 2024 йил 12 июнь кунли соат 11.00 дан бошлаб кўриб чиқилади. Энг юқори таклифни берган талабгор билан сотувчи ўртасида келишув битими тузилади.

Танлов савдо шу кунли бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2024 йил 26 июнь, 10, 24 июль, 7, 21 август, 4, 18 сентябрь, 2, 17, 31 октябрь, 14, 28 ноябрь, 12, 26 декабрь кунлари сотилгунга қадар соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

Савдода қатнашиш учун талабгорлар ёпиқ конвертда солинган таклифлари ва ариза билан биргаликда куйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

юрidik шахслар – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;
жисмоний шахслар – СТИР ва паспортнинг нусхаси.

Талабгорлар ижарага олиш ҳуқуқининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги суммани заклат шифатида “ZAMONAVIY REALTOR XIZMATI” MЧЖнинг куйидаги ҳисоб рақамига савдода иштирок этиш учун ариза топширунга қадар тўлашлари шарт: 2020 8000 9057 4042 7002 ХАТБ “DAVR BANK” Олмасор филиали МФО 01121 СТИР 311 041 441.

Таклифи маъқул топилган талабгорлар савдо ўтказилган кундан бошлаб 20 банк кун ичида сотувчи билан ижара шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Савдо ташкилотини жойлашган, савдолар ўтказиладиган ва савдода иштирок этиш учун аризалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Хамид Олимжон кўчаси, 13-“А” уй.
Телефон: 71-237-23-82.

“DUNYO-M” aksiyadorlik jamiyati

АКЦИЈАДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Жамият номи: “DUNYO-M” aksiyadorlik jamiyati.

Манзилими: Қашқадарё вилояти Қарши шаҳри, Шайхали кўрғони, Олтин бошоқ кўчаси, 1-уй.

Электрон почта манзили: dunyo_m@mail.ru

“DUNYO-M” aksiyadorlik jamiyati акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2024 йил 31 май кунли соат 11.00 дан бошлаб жамият мажлислар зали (Олтин бошоқ кўчаси, 1-уй)да ўтказилади.

Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши тўғрисида акциядорларга хабар бериш учун жамият акциядорлари реестри 2024 йил 6 май ҳолатига ҳамда навбатдан ташқари умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар реестри 2024 йил 27 май ҳолатига шакллантирилади.

Кун тартибига киритилган масалалар:

1. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.
2. Кузатув кенгаши таркибини қайта сайлаш.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишига тайёргарлик куриш учун маълумот (материал)лар билан жамият ҳисобчилар бўлимида танишиш мумкин. **Тел:** 97-293-77-76.

ЭСЛАТМА:

1. Йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар навбатдан ташқари умумий йиғилишга киришда шахсини тасдиқловчи ҳужжат, яъни паспортини кўрсатиши шарт.
2. Йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг ишончли вакиллари акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишига фақат нотариал идоралар томонидан тасдиқланган ишончнома орқали киритилади.

“Qashqadaryo
texnologik transport” AJ

АКЦИЈАДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

“Qashqadaryo texnologik transport” AJ Кузатув кенгашининг 2024 йил 6 май кунли бўлиб ўтган йиғилиш қарорига асосан жамиятнинг 2023 молия-ҳўжалик йили якунларига бағишланган акциядорлар йиллик умумий йиғилиши 2024 йил 4 июнь кунли соат 15.00 дан бошлаб Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, Косон тош йўли, 16-уй манзили бўйича жамият биносининг мажлислар залида ўтказилади. Акциядорлар умумий йиғилишига келган акциядорларни (уларнинг вакилларини) рўйхатга олиш соат 14.00 дан 15.00 гача амалга оширилади.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар қилиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санаси 2024 йил 6 май ва акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санаси 2024 йил 29 май.

Йиғилиш кун тартиби:

- Саноқ комиссияси аъзоларининг сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
- Акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.
- Жамият Кузатув кенгашининг 2023 йил якуни бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.
- Жамият бошқаруви раисининг 2023 йил якуни бўйича молиявий ва ҳўжалик фаолияти натижалари, бизнес-режа кўрсаткичлари ҳамда иқтисодий кўрсаткичларнинг баҳарлилиги тўғрисида ҳисоботини тасдиқлаш.
- 2023 йил якуни бўйича жамият йиллик ҳисоботлари, бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳақидаги ҳисоботларни тасдиқлаш.
- Жамиятнинг 2023 йил якунлари бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш.
- “Qashqadaryo texnologik transport” AJнинг 2023 молия-ҳўжалик йилги фаолияти якунлари бўйича тузилган молиявий ҳисоботлар аудит миллий стандартлари ҳамда халқаро аудит стандартлари асосида ташқи аудиторлик текшируви аудиторлик хулосаларини тасдиқлаш.
- Жамиятнинг 2023 йил якунлари бўйича корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш тўғрисидаги мустақил аудитор ташкилоти хулосасини тасдиқлаш.
- Ижроия органнинг 2024 йилда аффилиланган шахслар билан ва ийрик битимларни мустақил амалга ошириши учун жамиятнинг жорий ҳўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни аниқлаштириш.
- Жамиятнинг уч йил ичида талаб қилиб олинмаган дивиденд пулларини жамият ихтиёрида қолдириш тўғрисида.
- “Qashqadaryo texnologik transport” AJнинг 2024 йил молия-ҳўжалик фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказиш, СМК ҳамда корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш бўйича мустақил аудит ташкилотини танлаш ва унга тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш.
- Утган йиллар давомида жамиятда солиқ пенясига ҳисобланган харажат маблағларини қонунларда белгиланган ҳужжатлар асосида кўриб чиқиб йўналтириш ҳамда мuddати ўтган дебитор ва кредитор қарзларни ҳисобдан чиқариш.
- Жамиятнинг анги ташкилий структурасини кўриб чиқиш.

Йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга акциядорлар ўзлари билан шахсини тасдиқловчи ҳужжат, жисмоний шахс акциядорнинг вакили эса шахсини тасдиқловчи ҳужжат ва нотариал тартибда тасдиқланган ишончнома, юридик шахс акциядорнинг вакили эса шахсини тасдиқловчи ҳужжат ва юридик шахс раҳбарининг имзоси ва ушбу юридик шахсининг муҳри билан тасдиқланган ишончнома билан келишлари шарт.

Акциядорлар йиғилишига материаллари билан 9.00 дан 16.00 га қадар жамият Қимматли қоғозлар бўлимига мурожаат қилиш мумкин.

“Qashqadaryo texnologik transport” AJ жойлашган жойи (почта манзили) ва электрон почта манзили: Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, Косон тош йўли, 16-уй.

Жамиятнинг электрон почта манзили: qashqadaryotextrans@mail.ru, qatt00@mail.ru
Батафсил маълумот учун алоқа телефони: 99-545-53-58.

“Qashqadaryo texnologik transport” AJ бошқаруви.

ТУФИЛГАН КУНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

2024 йил май ойининг 9-17 саналарида таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал ҳўжалиги вазири Иккилик таъминоти тизимини эксплуатация қилиш ва ривожлантириш бошқармаси етакчи мутахассиси **Махаммадсобиёр Мирзабобоев**, ҳайдовчи **Сардор Марамов**, Қурилиш соҳасида лицензиялаш ва аккредитациялаш бўлими бошлиғи **Ойбек Хидоев**, Мурожаатлар билан ишлаш ва диспетчерлик хизмати бўлими бош мутахассиси **Абдунаман Дадабаев**, Мурожаатлар билан ишлаш ва диспетчерлик хизмати бўлими бошлиғи ўринбосари **Бехзодбек Махмудов**, Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлими бош мутахассиси **Камолiddин Холматов**, “Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi” ДМ иш бошқарувчиси **Ахтам Акбаров**,

Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти стандартлаштириш бошқармаси мутахассиси **Бегзод Халиқов**, енгил автомобиль ҳайдовчиси **Сардор Марамов**,

“Коммунал лойиҳа илмий-тадқиқот институти” Давлат муассасаси муҳандиси **Махмуда Ибрагимова**, қоровул **Ботир Муслимов**, “Марказий” филиали лойиҳа бош архитектори **Дилшод Усканов**, бош мутахассиси **Алишер Очиллов**, етакчи муҳандис **Мурат Ниязов**, “Навоий” филиали лойиҳа бош муҳандиси **Аваз Бозоров**,

“O‘zog‘irsanoatlohiya” АЖ дизайнер-менеджери **Исмоил Абдусаломов**, сектор раҳбари **Валерия Траяна**, АСС-1 катта муҳандиси **Валерия Позднякова**, АСС-2 муҳандислари **Жамшид Эргашев**, **Оқилхўжа Муборов**, етакчи мутахассис **Комил Фирматов**, корпоратив маслаҳатчи **Камолхон Назиров**, бош мутахассис **Улугбек Ташбаев**, бўлим бошлиғи **Олимбой Раҳимбердиев**,

“O‘zshaharsozlik LITI” ДМ Архитектура-қурилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш бошқармаси 4-ўстахонаси лойиҳа бош муҳандиси **Шербек Носиров**, Ҳўжалик ва дастурий-техник таъминоти бошқармаси муҳандиси **Бахтиёр Муродов**, Техник бўлим бошлиғи **Юсуф Кулмурадov**, Шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бошқармаси 1-ўстахонаси олий тоифали лойиҳа бош архитектори **Илдар Ҳасанов**, Шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бошқармаси 4-ўстахонаси **Мафтуна Пардаева**, Ҳўжалик ва дастурий-техник таъминоти бошқармаси кичик сервер администратори **Александр Анисимов**, Худудий филиаллар фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи **Асрор Нейматов**, Шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бошқармаси 2-ўстахонаси 1-тоифали архитектори **Бобир Қудратов**, Самарқанд филиали лойиҳа бош муҳандиси **Мирфайз Мақсудов**,

Қорақалпоғистон Республикаси, Кеғейли тумани қурилиш ва уй-жой коммунал ҳўжалиги шаҳарсозлик қонунчилигига риоя этиш устидан назорат олиб бориш бўйича архитектори **Баҳадир Балтағиязов**, Қурилиш ва уй-жой коммунал ҳўжалиги соҳасида худудий назорат қилиш инспекцияси ҳисобчиси **Клара Бердиханова**,

Бухоро вилояти, Когон тумани қурилиш ва уй-жой коммунал ҳўжалиги бўлими бош мутахассиси **Бобур Набиев**, Қорақўл тумани қурилиш ва уй-жой коммунал ҳўжалиги бўлими бош мутахассиси **Равшан Бердиев**, Бош режаларга риоя этилиши устидан давлат архитектура назорати шўъбаси мутахассиси **Воҳид Тоғбоев**,

Жиззах вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал ҳўжалиги бош бошқармаси ҳўжалик ишлари мудири **Алимардон Зиёдуллоев**, Арнасой тумани қурилиш ва уй-жой коммунал ҳўжалиги бўлими бошлиғи **Унид Муратов**,

Навоий вилояти Зарафшон шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал ҳўжалиги бўлими бошлиғи **Ўткиржон Турдиев**, Қурилиш ва уй-жой коммунал ҳўжалиги соҳасида худудий назорат қилиш инспекцияси Ичимлик сувидан оқилнома фойдаланиш ва сотишни мувофиқлаштириш ҳамда оқова сув хизматларидан оқилнома фойдаланиш бўлими бошлиғи **Фозилбек Ҳайитов**,

Тошкент шаҳар Қурилиш бош бошқармаси етакчи мутахассиси **Шухрат Қурбанов**,

Фарғона вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал ҳўжалиги бош бошқармаси рақамли технологиялар бўйича бош мутахассис **Шухрат Мамадиев**, Бош режаларга риоя этилиши устидан давлат архитектура назорати шўъбаси бошлиғи **Бунёд Ҳамралиев**, Уй-жой ва коммунал ҳўжалиги бўйича бош мутахассиси **Фахриддин Олимжонов**, Архитектура ва худудларни режалаштириш бўйича бош мутахассис **Асилбек Юсупов**,

Хоразм вилояти Хива тумани қурилиш ва уй-жой коммунал ҳўжалиги бўлими архитектура ва қурилиш соҳаси бўйича бош мутахассис **Эркин Машарипов**, Тупроққалъа тумани қурилиш ва уй-жой коммунал ҳўжалиги бўлими уй-жой коммунал ҳўжалиги бўйича бош мутахассис **Маркс Матякубов**,

Қорақалпоғистон Республикаси Тахтакўпри туманидаги “Тахтакўпри Уй-Жай Xizmet” MЧЖ бош директори **Жадиер Жумануртов**,

Андижон вилояти Булоқбоши туманидаги “Булоқбоши таъмир лойиҳа” MЧЖ БСК бош директори **Алишер Ураимов**,

Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридаги “Бинокор Обод Уй бошқарув компанияси” MЧЖ бош директори **Давлатхон Раҳимова**, Нишон туманидаги “Kelajak Nuriston Boshqaruv Kompaniyasi” MЧЖ бош директори **Манзура Абдураимова**,

Навоий вилояти Навоий шаҳридаги “Қадрдон маскан” MЧЖ БСК бош директори **Камолiddин Ҳайдаров**, Зарафшон шаҳридаги “Uyutdom-2022 Boshqaruv Kompaniyasi” MЧЖ бош директори **Убайдулло Шодиев**,

Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳридаги “Самарқанд уй-жой таъмир ПБТ ДМ” MЧЖ бош директори **Абдували Усмонов**,

Сурхондарё вилояти Ўзун туманидаги “Шер панжа файз” MЧЖ БСК бош директори **Меҳриниса Солиева**, Термиз туманидаги “Термиз комфорт таъмирлаш” MЧЖ БСК бош директори **Абдуалин Бобоназаров**, Шеробод туманидаги “Инжиниринг сервис” MЧЖ БСК бош директори **Бахтиёр Холмаатов**,

Жиззах вилояти Шароҳат туманидаги “Нурли Хаёт БСК” MЧЖ бош директори **Муножат Салоҳиддинова**,

Тошкент вилояти Ангрэн шаҳридаги “Angrén Kommunal Ta‘mirlash” MЧЖ БСК бош директори **Гулзода Абдуллазимова**, “Mountains City” MЧЖ БСК бош директори **Ҳабибулло Мамажонов**, Олмалик туманидаги “Инженер раъз” MЧЖ БСК бош директори **Нуриддин Азратов**, Чирчиқ шаҳридаги “Чирчиқ сервис ГР” MЧЖ БСК бош директори **Мирҳамиддин Рафиқов**,

Тошкент шаҳар Миробод туманидаги “Sheryurak-servis” MЧЖ БСК бош директори **Азамат Арзиқулов**, “Hizmat Beminnat Boshqaruv Servis Kompaniyasi” MЧЖ бош директори **Махмуджон Юлдашев**, Мирзо Улугбек туманидаги “Azim Uylar Servis” MЧЖ БСК бош директори **Расул Толиббоев**, “Toshkent-Santexkommunxizmat” MЧЖ БСК бош директори **Нусрат Бабаев**, Шайхонтоҳур туманидаги “Мадад локс” MЧЖ БСК бош директори **Сайёра Алматова**, Яшнобод туманидаги “Ftm Gpm” MЧЖ БСК бош директори **Ҳамидулла Рустамов**ларни таваллуд кунли билан чин дилдан муборакбод этамиз.

Ташкент шаҳар Миробод туманидаги “Sheryurak-servis” MЧЖ БСК бош директори **Азамат Арзиқулов**, “Hizmat Beminnat Boshqaruv Servis Kompaniyasi” MЧЖ бош директори **Махмуджон Юлдашев**, Мирзо Улугбек туманидаги “Azim Uylar Servis” MЧЖ БСК бош директори **Расул Толиббоев**, “Toshkent-Santexkommunxizmat” MЧЖ БСК бош директори **Нусрат Бабаев**, Шайхонтоҳур туманидаги “Мадад локс” MЧЖ БСК бош директори **Сайёра Алматова**, Яшнобод туманидаги “Ftm Gpm” MЧЖ БСК бош директори **Ҳамидулла Рустамов**ларни таваллуд кунли билан чин дилдан муборакбод этамиз.

УЛАРГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, УЗОҚ УМР,
ОИЛАВИЙ ХОТИРЖАМЛИК,
МУСТАҲҚАМ СОҒЛИҚ ТИЛАЙМИЗ!



IQTIMOYI-IQTISODIY GAZETA
**O‘ZBEKISTON
BUNYODKORI**
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Батир Закиров
(Тахрир ҳайъати раиси),
Давронжон Адилов,
Озода Жўраева,
Козим Туляганов,
Юлдаш Мағрупов,
Жамшид Исмаилов,
Бобир Элмуродов,
Қудратбек Хошимбеков.

ТАХРИРИЯТ:

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**
Бош муҳаррир ўринбосари **Райҳона Ҳўжаева**
Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**
Мусахҳиҳ **Марҳамат Мусулмонқулова**

Газета “Ўзбекистон бунёдкори”
Наشريёт уйи MЧЖ томонидан
нашрга тайёрланди.

“ЎЗБЕКISTON БУНЫДКОРИ”
НАШРИЁТ УЙИ MЧЖ
МУАССИСЛАРИ:

Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш ва уй-жой коммунал
ҳўжалиги вазирилиги,
“Ўзсанотқурилишматериаллари”
уюшмаси, “ЎзАШКЛИТИ” ДУК,
“ЎзшаҳарсозликИнвест” ИК MЧЖ,
“ЎзгеорангметЛИТИ” ДУК.

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100011, Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси, 18-уй.
Телефонлар:
71-241-01-29 (қабулхона),
71-241-01-43 (тахририят),
71-241-01-29 (бухгалтерия),
71-208-12-00 (реклама ва обуна
бўлими).
E-mail: info@uzbunyodkor.uz

ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАРНИНГ
ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

Қорақалпоғистон
Республикаси: 90-658-50-43.
Андижон вилояти: 91-479-55-11.
Бухоро вилояти: 99-704-66-69.
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Қашқадарё вилояти: 90-287-50-29.
Навоий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 91-365-07-36.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сирдарё вилояти: 94-916-99-77.
Сурхондарё вилояти: 97-847-30-11.
Фарғона вилояти: 90-349-55-56.
Хоразм вилояти: 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида 0874-рақам билан
рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г-541.
1710 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 6 табоқ, офсет усулида
босилган. Баҳоси келишилган
нарҳда. ISSN 2181-8762.
Тахририятга келган кўлэмалар
тақриз қилинмайди ва муаллифга
қайтарилмайди.
Газета тахририят компьютер
марказида терилди ва саҳифаланган.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан
сифатли чоп этилишига
“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси маъсул.

КОРХОНА МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри,
“Буёқ Турон” кўчаси, 41.

Навбатчи муҳаррир – Р. Ҳўжаева.
Навбатчи – А. Эгамбердиев.

ЎЗА якуни –
Тошириди – 00.30. 12 3 4 5 6

Газетанинг навбатдаги сони
2024 йил 17 май кунли чиқади.

"SHAHARSOZLIK HUJJATLARINI EKSPERTIZA QILISH RESPUBLIKA MARKAZI" DM va uning hududiy boshqarmalari jamoalari

Aziz va matonatli
xalqimizni
**XOTIRA VA
QADRLASH KUNI**
munosabati bilan
muborakbod etamiz.

Ulug' kunda o'tganlarni xotirini
yod etish, mehrga muhtoj
insonlar ziyoratida bo'lib,
insoniy tuyg'ular bilan yashash
barchamizga nasib qilsin.
Osmonimiz musaffo,
xonadonlarimiz kulguga to'la
bo'lsin!

